

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ ВА КЎЧМАС МУЛКНИ БОШҚАРИШ” КАФЕДРАСИ

ШУКУРОВ С.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (“12-ТРЕСТ” ОЧИҚ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МИСОЛИДА).**

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТИЗИМИ.....	7
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпоратив бошқарувнинг роли ва аҳамияти.....	7
1.2. Акциядорлик жамиятларининг ташкилий -ҳуқуқий тузилиш асослари.....	15
1.3. Акциядорлик жамиятларининг молиявий маблағларини шаклантириш ва бошқариш асослари.....	31
II-БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ («12-ТРЕСТ» АЖНИНГ 2008-2010 ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА).....	42
2.1. Акциядорлик жамиятининг бошқарув тизими таҳлили	42
2.2. “12 Трест” Акциядорлик жамиятининг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	45
2.3. “12-Трест” Акциядорлик жамиятининг мулкӣ ҳолати таҳлили.....	48
2.4. Акциядорлик жамиятида ресурслар бошқариш таҳлили.....	53
III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	63
3.1. Акциядорлик жамиятларини бошқаришни такомиллаштириш асосий йўналишлари.....	64
3.2. Қурилиш соҳасида корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари	70
Хулоса ва таклифлар	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мулкчилик шакллариининг турли-туманлиги ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги миллий иқтисодиётда бозор муносабатлари қарор топишининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Республикамизда босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва давлат мулкчини хусусийлаштириш натижасида якка мулкчиликка барҳам берилди ва янги мулкчилик шакллари, хусусан, акциядорлик жамиятлари ривожлана бошлади. Айни вақтда хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тузилмалар ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий асос яратилди. Бунинг натижасида тобора кенг кўламда фаолият юритаётган корпоратив тузилмаларни самарали бошқариш ва ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланди.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг янада ривожланишини таъминлаш самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этишни тақозо этади. Ушбу стратегик вазифани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор роли ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни корпоратив бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизими белгилаб берилган.

Президентимиз таъкидлаганларидек “Мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиғариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият

юритмокда ва ўз ҳуқуқларидан фойдаланмокда деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келитириш зарур?»¹

Ушбу йўналишдаги азифаларни ҳал этишда модернизация қилинаётган йирик акциядорлик компанияларининг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг келажаги юқори даражада илм-фан ютуқларига асосланган, самарали корпоратив бошқарувига асосланиши керак. Бу эса барча субъектлар манфаатларини уйғунлаштиришни таъминлайдиган корпоратив тузилмаларни ривожлантиришни талаб этади. Корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириб бориш ички товарлар бозорларида ҳам миллий иқтисодиёт манфаатларини таъминлаб беради.

Шу билан бирга корпоратив бошқарув самадорлигини ошириш учун нафақат дунёда тан олинган корпоратив бошқарув стандартлари ва тамойилларини кенг жорий этиш, балки уларни замонавий бошқарув кадрлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оқилона бозор инфратузилмаларини ташкил этиш, корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириб бориш, корпоратив зиддиятлар, хавф-хатарларнинг олдини олиш, корпорацияларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқишни диверсификация қилиш даврида долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммолардан ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 12 ноябрь.

Тадқиқот ишининг мақсади: Тадқиқот ишининг олдига қўйилган асосий мақсад бу иқтисодийни модернизациялашнинг ҳозирги шароитида капитал қурилишда акциядорлик жамиятларининг фаолияти бошқаришни ва иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини тадқиқ этиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда қурилиш корхоналарига хос бўлган амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш нуқтавий назаридан қуйидаги вазифалар келиб чиқади:

- капитал қурилишда акциядорлик жамиятларининг ташкилий -ҳуқуқий тузилиш асосларини ёритиб бериш;

- акциядорлик жамиятларининг молиявий маблағларини шакллантириш асосларини ўрганиш;

- «12-Трест» ОАЖнинг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- акциядорлик жамиятининг мулкӣ ҳолатини таҳлил қилиш;

- «12-Трест» ОАЖда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

- иқтисодийни модернизациялаш шароитида қурилишда акциядорлик жамиятларининг қурилиш монтаж фаолияти бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини асослаб бериш;

- Акциядорлик жамиятиларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи “12 Трест” очик акциядорлик жамияти олинди.

Битирув малакавий ишининг предмети акциядорлик жамиятининг хўжалик фаолияти ва уни бошқаришни таҳлил қилиш натижасида, уларнинг капитал қурилишдаги ўрни ва ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларига қаратилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишин тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, мавзуга дахлдор хорижий ва республикаимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларига таянилды. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, иқтисодий қонунлар, тегишли меъёрий-ҳужжатлар, “12- Трести” ОАЖнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда интернет сайтлари маълумотларидан муҳим ахборот манба сифатида фойдаланилды.

Тадқиқот услуби. Битирув малакавий иши бажаришда таҳилнинг энг кўп тарқалга усулларида таққослаш, статистик-гуруҳлаш, иқтисодий математик усулларида кенг фойдланилды.

Битирув малакавий ишининг таркиби ва тузилиши: битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат.

**I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ**

1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпоратив бошқарувнинг роли ва аҳамияти

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида корпоратив бошқарувни ташкил этиш якка тартибдаги ва жамоа шаклидаги субъектлар фаолиятини умумлаштирган шаклини ифодалайди. Бу жараён ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги мазмундаги маҳсули бўлиб, ижтимоий трансформациялашган, ҳозирги замон муносабатларни вужудга келтирувчи мураккаб муносабатлар жараёнини ифода этади ва бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб беради, деб ҳисоблаш мумкин. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув Ўзбекистон Республикаси учун янги ўрганилмаган муаммо ҳисобланади. Шунинг билан олиб битирув малакавий ишида хорижий давлатлардаги корпоратив бошқарувни ташкил этиш, унинг бошқарув жабҳалари ва механизмларини, ташкилий таркиблари ўрганилган ва шу асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш, стратегик йўналишни истиқболлаштириш ва корпорация молиявий маблағларини бошқаришни ташкил этиш механизмлари асослаб берилган. Республикада корпоратив мулкнинг шаклланиши корпорация шаклдаги бошқаришнинг зарурлигини белгилаб берди. Ушбу ҳолат эса ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, манфаатдор субъектлар олдида иқтисодий ва ижтимоий мажбуриятларни бажаришни икки томонлама амалга оширилишини талаб этади. Корпоратив бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилиши хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиётининг ривожланиши учун зарур бўлган инвестиция қўйилмалари миқдорининг кўпайишини таъминлайди. Ҳозирги

даврда корпоратив бошқарувнинг республикада етарли даражада ташкил этилмаганлигининг сабаби унинг ташқи бошқарув механизми етарли даражада ривожланманлигидадир. Демак, ушбу механизмларни такомиллаштириб бориш орқали инвестицияларни жалб этиш имкониятларини ошириш зарур. Республикада корпоратив бошқаруви муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эга бўлган стратегик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корпорациялар акцияларининг маълум қисмини ўз ихтиёрида сақлаш йўли билан амалга оширилмоқда. Аммо давлат аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва корхоналар фаолиятининг иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари тизими илмий-услубий асосда етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу билан бирга бошқарув механизмлари ҳам ҳали етарли даражада жаҳон андозалари талабига жавоб бера олмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корпорацияларнинг шаклланиши ва унинг бошқаруви уларнинг устав фондларида давлатнинг иштирокига асосланган. Республикада корпоратив мулкнинг шаклланишида давлатнинг умумий акциялар қийматида маълум ҳиссага эга бўлиши акциядорлик жамиятининг бошқарувида баъзи

Ўзбекистонда аҳолини хусусийлаштириш жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш мақсадида кичик ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, очик турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон буюк келажак сари» номли асарида: «Биз давлат мулкани дастлабки хусусийлаштиришни тугатиш, чинакам мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш, давлатга қаршли бўлмаган секторнинг ҳукмрон мавқеини эгаллайдиган ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Бунинг учун кичик ва йирик корхоналарни кенг кўламда акциядорликка ўтказиш, уларнинг негизида акциядорлик жамиятларини тузиш хусусийлаштиришнинг асосий

йўналиши бўлмоғи лозим»² деган сўзлари, дарҳақиқат, иқтисодий ислохотлар замирида акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши нечоғли зарурий шарт эканлигини кўрсатиб турибди.

Республика сифат жиҳатдан янги иқтисодий муносабатларни шакллантираётган мустақил давлатдир. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона ўзи учун юқори фойда келтирадиган товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу эса нафақат истеъмолчи талабини ўрганишга балки, корхонанинг ишлаб чиқариш даражаси, меҳнат ресурслари, эришилган сўнгги илмий-техник услублардан фойдаланиш ва рақобатчиларга ҳам боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, корхона ўз фаолияти давомида объектив ва субъектив сабаблар шароитида ўз истикбол, ривожланиш йўлини излаши лозим.

Бундай изланиш йўлларида бири – бу бошқарувнинг акциядорлик шакли яъни, акциядорлик жамиятларини тузишдир. Бунда таъсис капитали акцияларнинг маълум сонига бўлинган (тенг) бўлиб, бу иштрокчиларнинг акциядорлик жамиятига бўлган ҳуқуқларини белгилаб беради.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш тезлашиши, очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этилиши ушбу жамиятлар акцияларнинг фонд бозорига оммавий равишда кириши учун шарт-шароит яратди. Бу эса акциялар иккиламчи бозорининг ривожланишига омил яратди.

Акциядорлик жамиятларининг эркин иқтисодиётда тутган ўрни ўзининг бошқариш методлари, ишни ташкил қилиш ва бозор иқтисодиёти шароитида очиқ рақобатни таъминловчи субъект шаклида намоён қилди.

Шу жиҳатдан Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда хусусийлаштириш асосий ўринни эгаллади. Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштиришнинг давлат дастури ишлаб чиқилди. Махсус Давлат мулкани

² И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: «Ўзбекистон», 1999.-686б.

бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, жойларда эса унинг ҳудудий бошқармалари ташкил қилинди. Бу тадбирлардан асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий ҳимоя асосида бозор иқтисодиёти асосларини вужудга келтириш, хусусий мулкчилик шаклини, мулкдорлар синфини яратиш;
- хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар эвазига бозор инфраструктурасини яратишга сарфлаш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш;
- жамиятда молиявий барқарорликни таъминлаш;
- халқ хўжалигини демонополизациялаштириш ва эркин рақобатни вужудга келтириш;
- мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб қилиш каби тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш давлат мулкани хусусийлаштириш орқали, бозор субъектлари ва эркин рақобатни вужудга келтиришдан бошланди. Бу эса акциядорлик жамиятларини бозор субъекти сифатида шакллантиришига зарур шарт шароитлар яратди. Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида вужудга келган товар ва пул даромадлари ўртасидаги мутаносибликни бартараф қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида ортиқча пул масалаларини конвертация субъектларини вужудга келтириш зарурияти туғилди. Ушбу жараён акция ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш ҳуқуқига эга бўлган янги хўжалик субъектларини, яъни акциядорлик жамиятларини вужудга келишини тақозо қилади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида кўп корхоналар ҳаддан ташқари катталаштирилиб юборилган эди. Вужудга келган гигант корхоналарни хусусийлаштириш муаммоси вужудга келди. Бу корхоналарни бир тарафдан

хусусийлаштириш зарурияти мавжуд бўлса, иккинчи тарафдан уларни жисмоний шахсларнинг сотиб олиш имкони йўқ эди.

Бу эса шундай хўжалик юритувчи субъектларни, яъни акциядорлик жамиятларини тузишга бўлган талабни кучайтирди. Оқибатда акцияларни чиқариш, уларни эркин ва ўзаро алмашиш шарти билан сотиш имкони туғилди. Бу эса фуқароларда мулкдорлик ҳиссини қайта вужудга келишига асос бўлди.

Ҳозирги пайтда акциядорлик жамиятлари ўз акциядорларини ўзининг мамлакатдаги нуфузи билан ёки маълум белгиланган устувор стратегияси билан қизиқтира олмайди. Акциядорларнинг ушбу акциядорлик жамияти акциялари маълум бир қисмига эга бўлиши ва ушбу акциядорлик жамиятининг ўз навбатида самарали ишлаши, йил якуни бўйича фойданинг бир қисмини дивиденд шаклида бўлиб бериши қизиқтиради. Бу эса акциядорлик жамияти ва акциядорлар ўртасида битта боғловчи, моддий манфаатдорлик вужудга келади. Шунинг асосида жамиятнинг тежамли ишлашига ва жалб қилинган фондлардан самарали фойдаланишга ундайди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, жаҳон иқтисодиётида қўлланилаётган юксак ва илғор технология даражасига етиш зарурияти ҳам акциядорлик жамиятларини ривожлантириш ҳаётий зарурат эканлигини исботлади. Ушбу мақсадда акциядорлик жамиятлари четдан кириб келаётган сармоя шаклидаги маблағлар ҳажми билан иқтисодиётимизда ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики эркин, ортиқча маблағларни иқтисодиётга жалб этишнинг энг мақбул ва тезкор йўли бу акциядорлик жамиятларга жалб қилишдир. У тўғри ва манфаатли ташкил этилса, мамлакатда мавжуд эркин пул маблағларининг асосий қисмини қамраб олиш мумкин. Бу тадбир утган асрда ҳам ва ҳозир ҳам аҳоли ўртасидаги мавжуд социал тафовутларга қарамасдан ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ушбу мулкчилик

усули мулкдорларнинг (жамият аъзоларининг) жамғармалари ошишига ва шу билан биргаликда иқтисодий самарадорликнинг ўсишига асосланади. Мулкчиликнинг бу турини тадбиркорларнинг барча соҳасида қўллаш мумкинлиги унинг кенг тарқалишига олиб келади.

Акциядорлик жамиятини саноатда, қурилишда, савдода, банк кредит тизимида, хизмат соҳаларида, транспорт ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ташкил қилиш мумкин. Унинг соҳаси ҳар хил бўлиши билан бир қаторда хўжалик фаолиятининг якуний пировард натижада барча жамиятлар учун бир хил кўрсаткич (критерия) билан ўлчанади. Бу ўлчам акция баҳоси ва унинг даромадлилик даражасида ўз аксини топади.

Шунинг учун капитал қўйиш, яъни акция сотиб олиш пайтида турли объектлар ичида энг маъқулини танлаб олиш зарурдир. Бундай объект иқтисодий жиҳатдан қудратли, молиявий барқарор, тўлов қобилиятига эга бўлишини талаб қилади.

Акциядорлик жамиятларини бошқариш унинг акциядорлари томонидан амалга оширилади. Бошқарувнинг тўғри ташкил этилиши ва натижасидан манфаатдорлик бир-бири билан яқин жараёндир. Кўпроқ фойда олиш, ишни тўғри ташкил қилишни тақозо этади. Шу сабабли акциядорлик жамиятларида, давлат ва хусусий корхоналарга нисбатан синиш (банкрот) қамроқ бўлади. Кўп йиллар мобайнида иқтисодиёт маъмурий буйруқбозлик ва қаттиқ сиёсий ҳамда мафкуравий исканжа остида эди. Эндиликда назорат бевосита мулкдорлар (акциядорлар) томонидан амалга ошириладиган бўлди. Бундай назорат ўзига хос хусусиятларга эга. Энди мулкдор фақат назорат қилибгина қолмасдан, фаолият натижасига ҳам эгалик қилади. Бу эса корхоналарни молиявий қарамлик ва маъмурий буйруқбозликдан қутилишга, иқтисодиётни эркин бошқаришни шакллантиришга олиб келади.

Мулкчиликнинг бу турида молиявий барқарорликни таъминлаш имконияти кенгрокдир. Бу ҳолда дастлабки маблағлардан ташқари акция чиқариш ва уни сотиш натижасида қўшимча маблағ тўплаш имкони ҳам туғилади. Бундан ташқари жамғарма фондининг ташкил этилиши имконияти кенглиги туфайли унинг рақобатга чидамлилиги юқоридир.

Бунинг учун тенг имкониятлари ва рақобат шароитида бошқа мулкчилик шаклидан кўра акциядорлик жамиятлари ўзларининг даромадлилиги билан ажралиб туради. Акциядорлик жамиятларига фақат пул эмас, балки бир хил мулк (ускуна, хом ашё, моддий бойлик) қимматли қоғоз, ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа мулкый ҳуқуқлар билан ҳам иштирок этиш мумкин. Бу эса акциядорлик жамиятлари учун ўзига хос имкониятлар яратади. Яратилган шарт-шароитлар ҳўжаликни тез таъминлаш учун моддий асос барпо қилади. Ана шу ўзига хос томонлари билан акциядорлик жамиятлари ҳар хил катта ва кичик жамғармалар (фондлар) ҳисобига ўзининг умумий капиталини кўпайтириш имконига эга бўлади.

Бу билан ҳаракатсиз ётган лойиҳалар, иншоотлар, бинолар ва мулклар ҳаракатга келади. Натижада акциядорлик жамиятлари вужудга келишида жамият, давлат, корхона ва мулкдор манфаатлари аниқланади. Мулкчиликнинг ушбу тури орқали корхоналарга катта имкониятлар яратилади. Йирик саноат тармоқларида акциядорлик жамиятлари салмоғи ортиб боради. Бундан ташқари мулкчиликнинг бу турида маблағлар ҳаракатини тез ўзгартириш ва натижада кўп миқдорда даромад олиш имконияти ҳам кўп бўлади.

Юқорида таъкидлаганимдек, бозор иқтисодиётининг муҳим шарти, мулкдор ўз мулкни ишлатиш натижасидан моддий манфаатдор бўлиши лозим. Акс ҳолда, у ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга қизиқиши бўлмайди. Мулкдор фақат мулкни ишлатишдан манфаатдор. Мулкдорларнинг ўзига хос хусусияти ҳам шундадир.

Шундай экан, мулк энг аввало эгали бўлиши керак. Бу эса ўз навбатида давлат мулкани хусусийлаштириш ва уни хусусий тадбиркорга, яъни мулкнинг ҳақиқий эгасига беришни талаб қилади.

Республикада корпоратив бошқарувни ташкил этишда ва унинг самарали бошқарувида давлатнинг роли каттадир. Давлат ўзининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари орқали ҳар бир ишлаб чиқариш субъектларини, умумлашган мамлакатнинг иқтисодий ҳолатларига белгиланган қонунлар доирасида, уларга зарур бўлган миқдорда инвестиция маблағлари бериш, бозор фаолиятларига иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда унга таъсир этиш, талаб ва таклифни мувофиқлаштиришда, ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиришда, ишга яроқли ишчи кучларини иш жойлари билан таъминлашга таъсир этади.

Корпоратив бошқарувни бизнинг мамлакатимизда жорий этилиши натижасида хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этиш имкони ортади, ташкилотлар фаолияти замонавийлашади. Ёпиқ ва мулкдорлар назоратига бўйсунмайдиган бизнесдан ҳаққонийлик ва ташқи назорат тамойилларига асосланган ўзаро манфаатли муносабатларга ўтишнинг ўзи Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни қўлга киритиш иқониятларини оширади.

Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш компанияларда жараёнларнинг ички самарадорлигини оширади ва янги сифат даражасига ўтишини таъминлайди, шунинг билан бирга бутун миллий миқёсда сармоялардан фойдаланиш даражасига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Корпоратив бошқаруви самарадорлиги корпоратив муносабатларни иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг турли мулк шаклларида шаклланиши даражасига боғлиқ.

Корпоратив субъектларнинг шаклланиши иқтисодий тараққиётни асосий йуналишларини белгилаб бериш билан бирга, иқтисодиётнинг ривожланишида республика иқтисодий шарт-шароитларининг қувват даражасини белгилайди.

Шунинг учун ҳам корпоратив назарий ва услубий ривожланишни иқтисодиётни модернизация қилиш даврида ўрганиш жуда зарур.

1.2. Капитал қурилишда акциядорлик жамиятларининг ташкилий - ҳуқуқий тузилиш асослари

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохатларнинг туб замини, энг аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, жамиятда том маънода мулкдорлар синфни шакллантиришга қаратилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодиётда турли мулкчилик муносабалари ва корхоналар шаклланиб борди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди.

Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонунлари билан тартибга солинади.

Иқтисодиётнинг банк, инвестиция ва суғурта, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, шунингдек, давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида акциядорлик жамиятлари тузиш ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Устав фонди жамиятнинг ҳиссадорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Бошқа корхоналарга хос бўлган хусусият, акциядорлик жамиятларида ҳам ўз аксини топади, яъни жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамият, агар унинг устаида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда айна пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Акционерлик жамиятлари ўз номи ёзилган штампӣ ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир. Шунингдек қонун ҳужжатларида маън этилмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган исталган фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин. Жамият муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг асосий турларинигина санаб ўтишга ҳақлидирлар.

Албатта, акциядорлик жамиятлари ўз фирма номига эга бўлади, бу ном фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва турини (очик ёки ёпик) акс эттириши керак. Жамият давлат тилида ва айна пайтнинг ўзида жамият хоҳишига кўра бошқа тилларда ўзининг тўлиқ ва қисқартма номларига эга бўлишга ҳақлидир. Жамиятнинг манзили у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.³

³Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Янги таҳрир. 2007 йил 21 декабр. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 50-51-сон, 514-модда.

Жамият у билан алоқа ўрнатиб туриладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ва ўз почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни хабардор қилиши шарт.

Корхоналарнинг ушбу шакли ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Ҳиссадорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Агар жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) жамият учун акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган ҳиссадорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Жамият ўз ҳиссадорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳиссадор сифатидаги шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, мазкур ҳиссадор зиммасига жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядорлик жамиятининг уставида тегишли ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина, ҳиссадор мажбурий кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлади. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳиссадор жамиятнинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) ҳиссадорнинг ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган деб ҳисобланади. Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

Акциядорлик жамияти очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очик акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпиқ акциядорлик жамиятининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг ҳиссадори бўлиши лозим. Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга ҳиссадорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очик акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Очик акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир. Очик акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамият уставида ва қонун ҳужжатларида ёпиқ обунани ўтказиш имконияти чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.



1.1-расм. Акциядорлик жамиятлари турлари

Очик акциядорлик жамияти ҳиссадорларининг сони чегараланмайди. Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпиқ акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Бундай жамият ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. Ёпиқ акциядорлик жамияти ҳиссадорларининг сони

эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори ҳиссадорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар ҳиссадорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичида очик акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач, суд тартибида тугатилиши лозим. Ёпиқ акциядорлик жамияти ҳиссадорлари ушбу жамиятнинг бошқа ҳиссадорлари сотаётган акцияларни ўзга шахсга таклиф этилаётган нархда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Агар ҳиссадорлар акцияларни сотиб олишда ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмасалар, жамият ҳиссадорлар томонидан сотиладиган акцияларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиши унинг уставида кўзда тутилиши мумкин.

Ҳиссадорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби, муддати жамият уставида белгилаб қўйилади. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 30 кундан кам ва 60 кундан кўп бўлиши мумкин эмас. Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Ҳиссадорлик жамияти уставида унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак. Жамиятнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига доир маълумотлар ўзгариши муносабати билан унинг уставига киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги ахборот юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга маълумот тарзида тақдим этилади.

Жамият уставидаги мазкур ўзгартишлар маълум қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

Бошқа корхоналарида бўлгани каби, акциядорлик жамиятлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларга эга бўлиши мумкин. Шўъба хўжалик жамият ўзининг асосий жамияти қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Шўъба хўжалик жамиятига бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни беришга ҳуқуқли асосий жамият ана шундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба жамият томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба жамият билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шўъба хўжалик жамият билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятнинг уставида кўзда тутилган тақдирдагина асосий жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади. Шўъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан ночор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда асосий жамият шўъба хўжалик жамиятнинг қарзлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Асосий жамият шўъба хўжалик жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, юқорида айтилган ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба хўжалик жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина шўъба хўжалик жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) асосий жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг шўъба хўжалиги жамият хиссадорлари асосий жамиятдан унинг айби билан шўъба хўжалик жамиятга келтирилган зиёни тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Асосий жамият шўъба хўжалик жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида зиён кўришини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба хўжалик жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина зиён асосий жамиятнинг айби билан келтирилган деб ҳисобланади. Агар жамиятга қарашли овоз берувчи акцияларнинг йигирма фоизидан зиёдроғи бошқа иштирокчи жамиятга қарашли бўлса, бу жамият тобе хўжалик жамият деб тан олинади. Иштирок этувчи ва тобе хўжалик жамиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, акциядорлик жамиятларини янгидан таъсис этиш ва (ёки) мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш) йўли билан тузилиши мумкин.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан тузиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади.

Жамият муассислари уни тузиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг хиллари ва турлари, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори ва бу ҳақни тўлаш тартиби,

муассисларнинг жамиятни тузишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади⁴.

Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг овоз бериш натижаларини ҳамда жамиятни таъсис этиш, жамият уставини тасдиқлаш, жамиятни бошқариш органларини сайлаш масалалари юзасидан улар қабул қилган қарорларни акс эттириши керак.

Жамиятни таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ва муассис томонидан жамият акциялари ҳақини тўлаш учун топширилаётган қимматли қоғозлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқлар ёки пул билан баҳоланадиган бошқа ҳуқуқларнинг пулда баҳоланишини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Ҳозирги ҳукуматимиз томонидан корхоналарга кенг имконият очиб берганлиги сабабли, чет эллик инвесторлар иштирокида ҳам жамият тузиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда уни таъсис этиш тўғрисидаги қарор давлат мулкани тасарруф этиш ваколатига эга бўлган орган томонидан қабул қилинади. Акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб тан олинади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жамият муассислари бўлиши мумкин эмас. Жамият муассислари жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар унинг тузилиши билан боглиқ мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни тузиш билан боглиқ бўлган мажбуриятлари юзасидан фақат уларнинг ҳаракатлари кейинчалик ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида

⁴ Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Янги таҳрир. 2007 йил 21 декабр. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 50-51-сон, 514-модда.

маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли орган унинг муассиси бўлади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда акцияларни тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Республикамиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган, акциядорлик жамиятларнинг яна бир тури - ёпиқ акциядорлик жамияти муассислари ўртасида акцияларни тақсимлаш таъсис ҳужжатида мувофиқ амалга оширилади. Ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим: фирманинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда жойлашган ери (почта манзили); фаолият соҳаси, мақсади ва муддатлари; устав фондининг миқдори; устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тартиби; чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати; даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби; захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби; жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; жамият бошқарувининг тузилиши, ижроия ва назорат органлари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, бу органларнинг ваколатлари; йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби; жамиятни қайта тузиш ва тугатиш тартиби.

Жамият уставида битта ҳиссадорга тегишли бўлган акциялар сони ва улар номинал қийматининг суммаси чеклаб қўйилиши мумкин. Жамият уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин. Жамият ҳиссадор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уставда белгиланган муддатларда уларга жамият устави, шу жумладан унга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият ҳиссадорнинг талабига биноан жамиятнинг амалдаги уставидан нусха олиб бериши шарт. Жамият уставига ўзгартишлар ва

қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган ҳиссадорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳиссадорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки жамият кузатув кенгашининг бир овоздан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

Жамият қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Жамият рўйхатдан ўтиш учун рўйхатга олувчи органга уставни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Давлат корхонасини қайта ташкил этиш йўли билан тузилган ҳиссадорлик жамияти уставини тақдим этади. Жамият тузишнинг қонунда белгиланган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мувофиқ келмаслига давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келади. Жамиятни тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан узоғи билан олти ойгача бўлган муддатда жамият ҳиссадорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги, кузатув кенгаши тўғрисидаги ва ижроия органи тўғрисидаги (тегишинча директор, бошқарув, дирекция, бошқарувчи ташкилот, бошқарувчи тўғрисидаги), фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек акциядорлик жамиятининг кўрсатилган бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиботини белгиловчи низомларни тайёрлаши ва ҳиссадорларнинг умумий йиғилишда тасдиқлаши шарт. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган

пайтдан бошлаб, ушбу қонунда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Жамиятни қайта ташкил этиш ҳиссадорлар умумий йиғилишининг Қарори билан қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш тарзида амалга оширилади. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ушбу ҳолатларни ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга ошириш мумкин.

Янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайтда: эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштирж тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно. Жамият бошқа жамиятга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташки. этилганида давлат рўйхатга олиш органи қўшилиб юборилган жамият ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан қўшиб юборилган жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташки: этилган жамиятларнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгарх бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзм; равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

- қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошла (узоғи билан 30 кун ичида;

- бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан

60 кун ичида.

Агар бўлиниш баланси қайта ташкил этилаётган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар. Ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги жамиятни вужудга келтириш жамиятларнинг қўшиб юборилиши деб ҳисобланади. Қўшиб юборишда иштирок этаётган жамият қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек ҳар бир жамият акцияларини янги жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига қўшиб юбориш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги, қўшиб юбориш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Янги вужудга келаётган жамият уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар ҳиссадорларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Ҳиссадорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби жамиятларнинг қўшиб юборилиши тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамиятлар қўшилган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган жамиятга ўтади. Бир ёки бир неча жамият фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказиш - жамиятни бирлаштириш деб ҳисобланади. Бирлаштирилаётган жамият ва бирлаштириб

олаётган жамият бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз жамиятининг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган жамият кузатув кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам ҳиссадорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади. Мазкур жамиятлар ҳиссадорларининг қўшма умумий йиғилиши уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳиссадорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлаш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Бир жамият бошқа жамиятга бирлашганда ўтказиш далолатномаси мувофиқ бирлаштирилаётган жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар қўшиб олган жамиятга ўтади. Жамият фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари янги тузилаётган жамиятларга ўтказиш - жамиятни бўлиш деб ҳисобланади. Бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаш ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига бўлиш тарзида жамиятни қайт ташкил этиш тўғрисидаги, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлар хусусидаги, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятлар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳавола этади.

Шунингдек, бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият ҳиссадорларининг умумий йиғилиши жамиятни бўлиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисида. янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятларнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли

қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади. Янги тузилаётган ҳар бир жамият ҳиссадорларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш, ҳамда кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган икки ёки бир неча жамиятга қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир неча жамият тузиш жамиятни ажратиб чиқариш деб ҳисобланади.

Республикамиз қонунларида назарда тутилганидек, ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ажратиб чиқариш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, ажралиб чиқаётган жамиятнинг акция ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларини айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади. Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият ҳиссадорларининг умумий йиғилиши жамиятни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Акциядорлик жамияти таркибидан бир ёки бир неча жамият ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда бошқа ҳар қандай хўжалик жамияти ёки ширкатига айланишга ҳақли. Қайта

тузилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши ҳиссadorларнинг умумий йиғилиши ҳукмига жамиятни қайта тузиш, қайта тузишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ҳақидаги масалаларни ҳавола этади.

Қайта тузилаётган жамият ҳиссadorларининг умумий йиғилиши қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари Ҳақида қарор қабул қилади. қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахсни қатнашчилари ўзларининг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиладилар. Жамият қайта тузилганида қайта ташкил этилган жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган юридик шахсга ўтади. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисларни тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда жамият фаолиятини тўхтатилишига олиб келади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши ҳиссadorлар умумий йиғилишининг ҳукмига жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият ҳиссadorларининг умумий йиғилишини тугатиш тўғрисида ва рўйхатга олишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади. Акциядорлик жамияти суднинг қарори билан тугатилганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади: Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади. Агар давлат тугатилаётган жамиятнинг ҳиссadorи бўлса, тугатиш комиссияс таркибига давлат мол-мулкини тасарруф этиш ваколати берилган орган

ваколатига киритилади. Бу талаб бажарилмаган такдирда, жамиятни давлат рўйхатидг ўтказган орган тугатиш комиссияси тайинланишига розилик беришга ҳақли эмас.

Шунингдек, тугатиш комиссияси юридик шахсларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлар тўғрисида хабар эълон қилади. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати жамият тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш эса дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган жамият мол - мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади. Оралиқ тугатиш баланси ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Агар тугатилаётган жамиятнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси жамиятнинг бошқа мол-мулкни ким ошди савдосида сотишни амалга оширади. Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Бу баланс ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

1.3. Акциядорлик жамиятларининг молиявий маблағларини шакллантириш ва бошқариш асослари

Иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларининг молиявий маблағларини ўзида ифода этадиган кўрсаткичлардан бири бу жамиятнинг устав фондидир. Жамиятнинг Устав фонди ҳиссадорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлади. Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мулкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади. Жамият оддий акцияларни, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

Дастлаб, акциядорлик жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари муассислар ўртасида жойлаштирилган бўлади. Очик акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ доллариға тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмайди. Жамият устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан

ошмайди. Энг кам ойлик иш ҳақининг суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда, акциядорлик жамиятининг устав фонди бир йил ичида белгиланган миқдорга мувофиқ ҳолга келтирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2004 йилнинг 1 январига қадар барча акциядорлик жамиятлари ўз устав жамғармасини қонунда белгиланган миқдорда таъминланиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилди.

Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставида ёҳуд ҳиссадорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорни қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи жамиятнинг уставига мувофиқ ёки ҳиссадорлар умумий йиғилишининг қарорига - биноан жамиятнинг кузатув кенгашига берилган бўлса, кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан мазкур қонунга мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда

имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган ҳиссадорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлади.

Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилади. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставиди назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

Аҳамиятги молик томони шундаки, қонунларда таъкидланганидек устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли бўлмайди. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши фондни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди. Устав фондини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутилдиган ҳиссадорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма

равишда хабардор қилиши лозим. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида жамиятда ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав фонд камайтилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан акциялар хиллари ва турлари (тоифалари) бўйича фарқланади. Акцияларнинг хиллари: эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган. Акцияларнинг турлар (тоифалари): имтиёзли, оддир бўлади.

Акцияда кўрсатилган ва жамият ҳиссадорларининг реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахсига эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлмиш ҳиссадор деб эътироф этилади. Эгаси ёзилмаган акцияни сақловчи шу акциянинг эгасидир. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият ҳиссадорларининг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилади. Оддий (одатдаги) акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланади. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, корхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради. Ёпиқ акциядорлик жамиятининг акциялари фақат эгаси ёзиладиган акциялар бўлиши мумкин уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади. Ёпиқ акциядорлик жамиятлари ҳиссадорларга акциялар ўрнига уларнинг номини қийматига тенг суммада сертификатлар бериши мумкин. Чиқариладиган акцияларнинг хиллари, уларни тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича

дивидендлар тўлаш тартиби акциядорлик жамиятининг уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаб қўйилади.

Акцияларнинг номинал қиймати юз сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Акция бўлинмасдир. Жамиятнинг уставида ҳиссадорлар сотиб олган акцияларнинг (жойлаштирилган акцияларнинг) сони ва номинал қиймати белгилаб қўйилади.

Жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга (эълон қилинган акциялар) қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг миқдори ва номинал қиймати белгилаб қўйилиши мумкин. Жамиятнинг уставида эълон қилинган акцияларни жамият томонидан жойлаштириш тартиби ва шартлари, шунингдек жамият жойлаштираётган акцияларнинг ҳар бир хили берадиган ҳуқуқлар белгилаб қўйилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган қоидалар уставда бўлмаса, жамият ана шундай хилдаги қўшимча акцияларни жойлаштиришга ҳақли эмас. Жамият уставига жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақида ушбу моддада назарда тутилган қоидалар билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Агар жамият томонидан акцияларга эркин айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилса, бу хилдаги эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиш муддати давомида эркин айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Жамиятнинг ҳар бир оддий (одатдаги) акцияси унинг эгаси бўлмиш ҳиссадорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради. Оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорлар ушбу қонунга ва жамият уставига мувофиқ ҳиссадорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш

ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, жамият мол-мулкининг бир қисmini олиш ҳуқуқига эгадир.

Акциядорлик жамияти имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш хиссадорлар, агар ушбу қонунда ёки жамият уставида жамиятнинг муайян турдаги имтиёзли акциялари учун бошқача қоида белгиланмаган бўлса, хиссадорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Жамиятнинг бир турдаги имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлмиш хиссадорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва одатдаги акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Хиссадорлик жамият тугатилган тақдирда ҳар бир турдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар ва (ёки) қийматнинг (тугатилиш қийматининг) миқдори жамият уставида белгилаб қўйилиши лозим. Дивиденд миқдори ва тугатилиш қиймати қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва тугатилиш қийматини аниқлаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам улар белгиланган ҳисобланади. Дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари билан барабар дивидендлар олиш ҳуқуқига эга. Агар жамият уставида икки ва ундан ортиқ турдаги имтиёзли акция назарда тутилган бўлса, жамият уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар ва тугатилиш қийматини тўлаш навбати ҳам белгиланган бўлади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича миқдори уставда белгиланган бўлиб, тўланмаган ёки ҳаммаси тўланмаган дивиденд жамғариб борилиши ва кейинчалик тўланиши (кумулятив имтиёзли акциялар) жамият Уставида белгилаб қўйилиши мумкин. Жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг оддий (одатдаги) акциялар ёки бошқа

турдаги имтиёзли акцияларга эркин айирбошланиши мумкинлиги ва шартлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорлар ҳиссадорлари умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари этилаётганда овоз бериш ҳукуқи билан иштирок этадилар. Муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорлар ҳиссадорларни умумий йиғилишида жамият уставига шу турдаги имтиёзли акцияларни эгалари бўлмиш ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартишлар қўшимчалар киритиш, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек бошқа турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорлар дивиденд ва (ёки) акциянинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини оладилар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлик жамиятининг дивидент сиёсатида дивидент миқдори муҳим аҳамиятга эга. Дивиденд миқдори жамият уставида белгилаб қўйилган муайян турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорлар, кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорларни истисно этганда, ана шу турдаг имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган ҳиссадорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳукуқи билан ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорларнинг ҳиссадорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган

пайтдан бошлаб тўхтатилади. Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш ҳиссадорлар ана шу акциялар бўйича жамғарилиб қолган дивидендларни тўлиқ миқдорда тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим бўлгану, аммо бундай қарор қабул қилмаган ёхуд дивидендларни тўлиқ миқдорда тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилган ҳиссадорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан эътиборан умумий йиғилишнинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Муайян турдаги кумулятив имтиёзли акцияларнинг эгаси бўлмиш ҳиссадорларнинг ҳиссадорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича жамғарилиб қолган барча дивидендлар тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Агар жамият уставида муайян турдаги имтиёзли акцияларни одатдаги акцияларга айирбошлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, жамият устави бу турдаги имтиёзли акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бунда ана шундай имтиёзли акция эгаси ўзига қарашли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган одатдаги акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдорда овозларга эга бўлади. Эгаси ёзилган акциялар бошқа шахсга мулк бўлиб ўтиши (сотиб олиниши, ҳадя қилиниши, мерос бўлиб ўтиши ва шу кабилар) мумкин. Бунда акция эгасининг ўзгарганини қайд этувчи орган акция янги эгасининг исми ёки номини киритади. Акциядорлик жамияти кейинчалик қайта сотиш, ўз ходимлари орасида тарқатиш ёки бекор қилиш мақсадида ҳиссадорлардан уларга қарашли акцияларни сотиб олишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган акциялар кўпи билан бир йил ичида реализация қилиниши лозим. Ана шу давр ичида дивидендларни тақсимлаш, шунингдек ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият сотиб олган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилади. Жамият ўз

акцияларини мустақил равишда ёки инвестиция институтлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 34-моддасига асосан жамиятнинг фондлари ва соф активлари шакллантирилади.

Акциядолик жамиятлари уставида назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш_фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тuzилади. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдор етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назар тuzилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунича соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамиятнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, жами облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ушбу қонунга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳиссадорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият ҳиссадорлари тасдиғига тақдим этилган йилда бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт. Иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият ҳиссадорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати ушбу қонуннинг

20-моддасида кўрсатилган устав фондининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Умумий ҳулоса қилиб айтганда акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятини турли хил моливий Манбалар асосида шакллантиради ва уларни шакллантиришнинг асослари сифатида тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар билан биргаликда жамиятнинг Низоми хизмат қилади.

Қуйидаги маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш жараёни мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг юзага келишининг муҳим қадам бўлиб хизмат қилган. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида жами хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил қилинган нодавлат мулк шаклидаги корхоналарнинг асосий қисми акциядорлик корхоналари ташкил этган. Айниқса бу ҳолат 1995-1996 йилларда катта салмоққа эга бўлиб, бу йилларда хусусийлаштириш жараёнининг иккинчи босқичининг амалга оширилиши давомида акциядорлик корхоналарининг кўпайишига олиб келганлиги билан изоҳланади. Агар, 1995 йилда республикаимизда 1026 та акциядорлик жамиятлари ташкил этилган бўлса, ёки бошқа корхоналар айлантирилган бўлса, 2005 йилда 28 та акциядорлик жамиятлари пайдо бўлган. Бунинг асосий сабаби давлат мулкидагаи корхоналарни ва бошқа мулк шаклида бўлган корхоналарни самарали ишламаганлиги учун акциядорлик жамиятларига айлантирилгандир. Бироқ, ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларига нисбатан бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг юзага келиши кўпроқ содир бўлмоқда. Буни таҳлил этилаётган жадвал маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Шунингдек, қайд этиш жоизки, мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни ўзининг якуний босқичига етиб қолган бўлса-да, аммо, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар йил сайин ошиб бориши билан изоҳланади. Бунга сабаб сифатида ҳозирги кунда аксарият

йирик катта қийматга эга бўлган монопол корхоналар хусусийлаштирилишидир.

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики бир қатор акциядорлик жамиятларибир неча давлат мулки корхоналари мулкани бирлаштириш ёки бита корхона мулкани бўлиш йўли билан ташкил қилинган. Маълумки ҳозирги кунда қимматбаҳо қоғозлар бозорида акцияларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш муаммоси долзарб бўлиб, унинг ривожланиши акциядорлик жамиятларининг акцияларининг қийматини бозор қонунлар асосида шаклланишини билдиради. Таҳлил этилаётган жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, акцияларнинг иккиламчи бозордаги ҳажмининг ошиб боришини кўриш мумкин. Акцияларнинг биржадан ташқари савдосининг ошиб бориши ҳам бир томондан акциядорлик жамиятларининг акцияларига бўлган талабнинг ошишини билдирса, бошқа томондан акциялар бозорида рақобатнинг вужудга келганлигини ҳам ифодалайди.

П-БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ- ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ («12-ТРЕСТ» АЖНИНГ 2008-2010 ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)

2.1. Акциядорлик жамиятининг бошқарув тизими таҳлили

12-Трест» ОАЖ 1977 йил ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда қурилиш соҳасида ўз нуфузига эга бўлган энг йирик ташкилотлардан биридир. Яқин 10 йиллик ичидаги оралиқни кўриб чиқсак, «Трест 12» ОАЖ 100 га яқин йирик ва ўрта қурилиш иншоотларини барпо этди, булардан: ҳар хил турар-жой бинолари, Тошкент чинни заводи, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли бинолар, Марказий банкка қарашли бўлган давлат белгили 3 та корхона, Тошкент ҳайвонот боғи, Ўзбек-Савдо бирлашмасига тегишли Юнус-Обод Теннис мажмуаси, «Пахтакор» марказий стадионининг таъмири, кичик нон заводлари, коллеж ва лицей қурилишлари, кўп турдаги эски биноларнинг таъмир ишлари; Рус Академик театри, Ўзбек Миллий Академик театри, «Истиклол» санъат саройи, «Туркистон» саройи, «Чорсу-савдо маркази», Мустақиллик байрами мажмуаси, «Чорвоқ» оромгоҳи, «Дўстлик» меҳмонхонасидаги бир қатор ишлар шулар жумласидандир.

Сўнги йиллардаги йирик лойиҳалари Мустақиллик майдони мажмуаси, Сенат биноси, Молия вазирлиги биноси, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, “Ўзбекинвест” ЭИСК биноси.

Қурилиш биноларининг турига қараб айтиш мумкинки, «12 Трест» ОАЖ –ҳар хил турдаги оддий ва юқори даражали бинолар қуриш бўйича ихтисослашган қурилиш ташкилотидир.

Бугунги кунда 1500 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ўз иши фаолиятини шу

ташкilot билан боғлаганлар. «12 Трест» ОАЖ 9 та филиаллардан ташкил топган.


Шулардан, 50-ҚБ, 65-ҚБ, 2-КМК, Чимён-КМК филиалларидир. Ҳар бири ўз фаолият тури билан ихтисослашган ва бу ташкилотлар асосан юқори даражали қурилиш-монтаж ва махсус-монтаж ишларини амалга оширадilar. 20-ҚБ, 52-ҚБ асосан пардозлаш ишларини, 49-ҚБ сантехника ва монтаж ишларини олиб борадилар. Бундан ташқари ёрдамчи ташкилотлар: БҚИК – бетон қоришмаси ишлаб чиқарувчи корхона, “Алюминқурилиш” ишлаб чиқариш корхонаси, хўжалик ҳисобидаги кичик механизация бирлашмаси ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Ҳар бир ташкилот ўз ҳисоб рақамига ва мустақил балансига эга ва мустақил иш олиб боради.

Замон талаби асосида қурилишда «под ключ», яъни «калитини топшириш» масаласи «12 Трест» ОАЖ томонидан Республикада биринчи бўлиб, 1994 йил тадбиқ этилди ва йилдан йилга у мукаммал формага келтирилди. Ҳозирги кунда «12 Трест» ОАЖ катта-катта иншоотларни «калитини топшириш» бўйича ўз иш услубига эга. Бу иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва жиҳозлаш ишлари, яъни буюртмачига тайёр бинонинг калитини топшириш деганидир, бу эса қулай ва ҳар томонлама самаралидир.


Иш услубини таҳлил қилинганда, ҳар бир иш қилинишидан олдин чуқур ўрганилган ҳолда амалга оширилади, чунки бино, иншоотларни қуришда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас, ҳамда ҳаражатлар ҳар томонлама тежамкорлик нуқтаи-назарида амалга оширилади. Йил давомида умумий ишнинг 70 %лик қисми «12 Трест» ОАЖ бошқармаларининг ҳар бирининг ихтисослигига боғлиқ ҳолда олиб борилади, қолган ишларга пудратга ихтисослашган ташкилотлар ўз иш фаолиятига қараб, таклиф қилинади.

Бу эса ишнинг сифати ва самараси гарови бўлиб хизмат қилади. «12 - Трест» ОАЖ ўз филиалларида ихтисослик турига қараб, уларни доимий мониторинг асосида рақобатга чидамли ва олдиндан хатоларни бартараф этиш ишларини олиб бормоқда.



2.1-расм. “12-Трест” ОАЖнинг бошқарув структураси

«12 Трест» ОАЖ ўз иш фаолияти асосини 8 та тамойил асосида амалга оширмоқда, уни қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин:



2.2.расм. «12-Трест» ОАЖнинг бошқарув тамойиллари

2.2. «12 Трест» Акциядорлик жамиятининг асосий техник – иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили


2.1-жадвалга келтирилган маълумотларга кўра «12-ТРЕСТ» ОАЖнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларидан, маҳсулот сотишдан тушган тушум тушум, яъни қурилиш монтаж ишлари 2008 йилда 15367732 минг сўмни, 2009 йилда 47540572 минг сўмни, 2010 йилда эса 108937894 минг сўмни ташкил этиб, тугалланган йилда 2009 йилга нисбатан 61397322 минг сўм ортиқ қурилиш монтаж ишлари бажарилган, яъни 229,1 фоизга кўп. Бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннарни 2008 йилда 11706869 минг сўмни, 2009

**2.1- Жадвал. «12-Трест» АЖнинг 2008-2010 йиллардаги асосий техник-
иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

№	Кўрсаткич-лар	Ўл. бир.	2008 йил	2009 йил	2010 йил	Фарк (+;-)	Ўзг. нис. %
1	Маҳсулот сотишдан тушган тушум (ҚМИ)	минг сўм	15367732	47540572	108937894	61397322	229,1
2	Ишлаб чиқариш (ҚМИ) таннари	минг сўм	11706869	39307593	89901511	50593918	228,7
3	Ялпи фойда	м. сўм	3660863	8232979	19036293	10803314	231,2
4	Фойдадан солиқ	минг сўм	317577	621173	843371	222198	135,8
5	Соф фойда	м. сўм	1395821	2607179	6336631	3729452	243,0
6	Ишловчилар сони	киши	1549	1295	1998	703	154,3
7	Бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот	минг сўм	9921	36710.8	54523	17812,2	148,5
8	Иш ҳақи фонди	минг сўм	6434161	8970781	13357236	4386455	148,9
9	Дебиторлик қарзлари	минг сўм	17972612	30811111	31717976	906865	102,9
10	Кредиторлик қарзлари	минг сўм	17924347	66347155	60554380	-5792775	91,3
11	Айланма маблағлар микдори	минг сўм	52053824	77473035	69251165	-8221870	89,4
12	Рентабеллик	фоизда	9,55	12,84	9,8	-3,04	x

йилда 39307593 минг сўмни, 2010 йилга келиб эса бу кўрсаткич 50593918 минг сўмга кўпайиб, 89901511 минг сўмни ташкил қилди. Ялпи фойда 2008 йилда 3660863 минг сўмни, 2009 йилда 8232979 минг сўмни, 2010 йилга келиб эса, 10803314 минг сўмга кўпайиб, 19036293 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичларни қуйидаги диаграммада ҳам кўриш мумкин.

Фойдадан солиқлар 2008 йилда 317577 минг сўм, 2009 йилда 621173 минг сўм, 2010 йилда 843371 минг сўмни ташкил қилган. Юқоридаги кўрсаткичлар ялпи фойда ошишига боғли равишда фойдадан солиқлар ҳам ошган, жумладан 222198 минг сўмга, ёки 135,8 фоизга ошган. Сой фойда ҳам йилдан йилга сезиларли даражада ошган. 2008 йилда соф фойда 1395821 минг сўмни, 2009 йилда 2607179 минг сўмни, 2010 йилда 6336631 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 3729452 минг сўмга, яъни 243,0 фоизга кўпайган.



2.3-расм «12-Трест» АЖнинг 2008-2010 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари диаграммаси

Ишловчилар сони 2008 йилда 1549 кишини 2009 йилда 1295 кишини 2010 йилда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ошганлиги сабабли ишловчилар сони ҳам 703 кишига кўпайиб, тугалланган йилди 1998 киши фаолият юритган. Бир ишловчига тўғри келадиган қурилиш монтаж ишлари 2008 йил 9921 минг сўмни, 2009 йил 36710,8 минг сўмни, 2010 йил 54523 минг сўмни ташкил қилган. Лекин иш ҳақи фонди 2008 йилда 6434161 минг сўмни ташкил қилган, 2009 йилда эса ишловчилар сони камайган бўлсада, иш ҳақи фонди ошиб, 8970781 минг сўмни ташкил қилган. 2010 йилда қурилиш монтаж ишлари ҳамда ишловчилар сонига мос равишда ошиб 13357236 минг сўмни ташкил қилган.

2.3. “12-Трест” Акциядорлик жамиятининг мулкый ҳолати таҳлили


Корхона молиявий ҳолати ҳаракатини умумий баҳолаш учун баланс моддаларини тўлов қобилияти (актив моддалари). 2.2-жадвалда «12-Трест» АЖ нинг 2008-2010 йиллардаги баланс-нетто активининг таркиби таҳлил қилинган, бунга кўра, жами мулк 2008 йилда 63538833 минг, 2009 йилда 90721971 минг сўмни, 2010 йилда 89852205 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1 фоизга, 869766 минг сўмга тушиб кетган. Шунга кўра, иммобилизацияланган активлар 2008 йилда 114885009 минг сўмни, 2009 йилда 13248936 минг сўмни, 2010 йилда 20601040 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 155,5 фоизга ёки 7352104 минг сўмга ошган. Жами мулкдаги улуши эса 2008 йилда 18,08 фоизни, 2009 йилда биров пасайиб, 14,60 фоизин ташкил қилган, 2010 йилда эса иммобилизацияланган активлар улуши 22,93 фоизга тўғри келган. Шу жумладан қолдиқ қиймат бўйича асосий активлар 2008 йилда 7239295 минг сўмни, 2009 йилда 9077959 минг сўмни, 2010 йилда 19393509 минг сўмни ташкил қилган. Қолдиқ қиймат бўйича номоддий активлар эса 2008 йилда 31946 минг сўмни, 2009 йилда 71477 минг сўмни, 2010 йилда 114467 минг сўмни ташкил қилган. Капитал қўйилмалар 2008 йилда 3900955 минг сўмни, 2009

2.2- Жадвал. «12-Трест» ОАЖ нинг 2008-2010 йиллардаги баланс-нетто активининг таркиби

таҳлили

Баланс таркиби	2008 йил		2009 йил		2010 йил		Ўзг. Нис	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	+/-	%
Жами мулк	63538833	100,00	90721971	100	89852205	100,00	-869766	99,0
Иммобилизацияланган активлар	11485009	18,08	13248936	14,60	20601040	22,93	7352104	155,5
Шу жумладан: Қолдиқ қиймат бўйича асосий активлар	7239295	11,39	9077959	10,01	19393509	21,58	10315550	213,6
Қолдиқ қиймат бўйича номоддий активлар	31946	0,05	71477	0,08	114467	0,13	42990	160,1
Капитал қўйилмалар	3900955	6,14	4021121	4,43	1014685	1,13	-3006436	25,2
Акциялар, заёмлар, инвестициялар	8232	0,01	8232	0,01	8232	0,01	0	100
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	70147	0,11	70147	0,08	70147	0,08	0	100
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	234434	0,37	0	0	0	0	0	0
Айланма активлар	52053824	81,92	77473035	85,40	69251165	77,07	-8221870	89,4
Шу жумладан:								
Захира ва харажатлар	26955050	42,42	44021833	48,52	20540991	22,86	-23480842	46,7
Пул маблағлари	558391	0,88	2640091	2,91	16402794	18,26	13762703	621,3
Дебиторлик қарзлари	24540383	38,62	3011111	33,96	31717976	35,30	906865	102,9

йилда 4021121 минг сўмни, 2010 йилда эса 1014685 минг сўмни ташкил этган. Акциялар, заёмлар ва инвестициялар эса 2008 йилдан 2010 йилгача ўзгаршисиз равишда 8232 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек бошқа узоқ муддатли инвестициялар ҳам 2008 -2010 йилларда ўзгаршисиз 70147 минг сўмни ташкил қилган. Ўрнатилган асбоб-ускуналар фақатгина 2008 йилда мавжуд бўлиб, 234434 минг сўмга тўғри келган. Айланма активлар 2008 йилда 52053824 минг сўмни, 2009 йилда 77473035 минг сўмни, 2010 йилда 69251165 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 10,6 фоизга тушиб кетган. Шу жумладан, захира ва харажатлар 2008 йилда 26955050 минг сўмни, 2009 йилда 44021833 минг сўмни, 2010 йилда 20540991 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан кескин равишда 53,3 фоизга тушиб кетган. Пул маблағлари 2008 йилда 558391 минг сўмни, 2009 йилда 2640091 минг сўмни, 2010 йилда 16402794 минг сўмни ташкил қилган. Молиявий ҳолатнинг Дебиторлик қарзлари 2008 йилда 24540383 минг сўмни, 2009 йилда 30111111 минг сўмни, 2010 йилда 31717976 минг сўмни ташкил




2.4-расм. «12-Трест» ОАЖнинг 2010 йилдаги баланс-нетто активи таркиби диаграммаси, фоизда.

2.3-Жадвал. «12-Трест» АЖ нинг 2009-2010 йиллардаги баланс-нетто пассивининг таркиби

таҳлили

Баланс таркиби	2008 йил		2009 йил		2010 йил		Ўзг. нис	
	Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	+/-	%
Жами мулк	63538833	100	90721971	100	89852205	100	-869766	99,04
Хусусий сармоя	9127500	14,37	12018030	13,25	20128486	22,40	8110456	167,49
Шу жумладан								
Устав сармояси	63630	0,10	63630	0,07	747724	0,83	684094	1175,11
Қўшилган сармоя	90036	0,14	900376	0,99	900376	1,00	0	100,00
Захира сармоя	2856053	4,49	3564511	3,93	4301832	4,79	737321	120,69
Тақсимланмаган фойда, қопланмаган зарар	6117781	9,63	7811456	8,61	13762363	15,32	5950907	176,18
Бошқа хусусий манбаалар	0	0,00	488397	0,54	1226531	1,37	738134	251,13
Жалб қилинган сармоя	54411333	85,63	78703941	86,75	69723719	77,60	-8980222	88,59
Узоқ муддатли мажбуриятлар	3109593	4,89	6252485	6,89	8183989	9,11	1931504	130,89
Қисқа муддатли кредитлар ва заёмлар	51301740	80,74	72451456	79,86	61539730	68,49	-10911726	84,94
Кредиторлик қарзлари	48952805	77,04	66347155	73,13	60554380	67,39	-5792775	91,27

2.3- жадвалда «12-Трест» АЖ нинг 2008-2010 йиллардаги баланс-нетто пассивининг таркиби таҳлил қилинган. 2008 йилда 63538833 минг, 2009 йилда 90721971 минг сўмни, 2010 йилда 89852205 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 1 фоизга, 869766 минг сўмга тушиб кетган. Хусусий сармоя 2008 йилда 91275007 минг сўмни, маблағлар манбасининг 14,37 фоизини, 2009 йилда мос равишда 12018030 минг сўмни, 13,25 фоизни, 2010 йилда 20128486 минг сўмни, ҳамда 22,40 фоизни ташкил қилган. Шу жумладан, устав сармояси 2008 йилда 2009 йилгача ўзгаришсиз 63630 минг сўмни ташкил қилиб келган. 2010 йилда устав капитали 684094 минг сўмга кўпайтирилиб, 747724 минг сўмни ташкил қилган. Захира сармояси 2008 йилда 2856053 минг сўмни, 2009 йилда 3564511 минг сўмни, 2010 йилда эса 4301832 минг сўмни ташкил қилган. Тақсимланмаган фойда 2008 йилда 6117781 минг сўмни, 2009 йилда 7811456 минг сўмни, 2010 йилда эса 13762363 минг сўмни ташкил қилган. Шунингдек бошқа хусусий манбалар 2008 йилда бўлмаган, 2009 йилда 488397 минг сўмни, 2010 йилда 1226531 минг сўмни ташкил қилган.



2.4-расм. «12-Трест» ОАЖнинг 2010 йилдаги баланс-нетто пассиви таркиби диаграммаси, фоизда.

Заём сармояси эса 2008 йилда 54411333 минг сўмни, маблағлар манбаасининг 85,63 фоизини, 2009 йилда мосравишда 78703941 минг сўмни, 86,75 фоизни, 2010 йилда 11,41 фоизга камайиб, 69723719 минг сўмни ташкил қилган. Қисқа муддатли кредитлар ва заёмлар 2004 йилда бўлмаган, 2005 йилда эса 428579 минг сўмни, 2006 йилда 399917 минг сўмни, 2007 йилда 408686 ташкил қилган. Узоқ муддатли мажбуриятлар 2008 йилда 3109593 минг сўмни, 2009 йилда 6252485 минг сўмни, 2010 йилда эса 30,9 фоизга кўпайиб, 8183989 минг сўмни ташкил қилган. Қисқа муддатли кредитлар ва заёмлар 2008 йилда 51301740 минг сўмни, 2009 йилда 72451456 минг сўмни, 2010 йилда 61539730 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, 10911726 минг сўмга камайган. Кредиторлик қарзлари 2008 йилда 48952805 минг сўмни, 2009 йилда 66347155 минг сўмни, 2010 йилда эса 60554380 минг сўмни ташкил қилган.

2.4. Акциядорлик жамиятида ресурсларни бошқариш таҳлили

Корхонанинг айланма маблағларининг кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2008 йилда айланма маблағларнинг товар моддий захиралари 2008 йилда 25048956 минг сўмни, 2009 йилда 38404237 минг сўмни, 2010 йилда эса ўтган йилга нисбатан 17863246 минг сўмга камайиб, 20540991 минг сўмни ташкил этган. Ишлаб чиқариш захиралари ўзгариш суръати олдинги йилга нисбатан 2010 йилда 11,65 % га камайган, яъни 20540991 минг сўмни ташкил этган. 2009 йилда 23248516 минг сўмни, 2008 йилда эса 9352348 минг сўмни ташкил этган. Энг юқори кўрсаткичлар 2008 йилга тўғри келган.

Келгуси давр харажатлари эса 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 5028192 минг сўмга камайган, яъни 2008 йилда 1906094 бўлса, 2009 йилда 5617596 минг сўмни ташкил этган. 2006 эса 44 665 минг сўмлик тайёр маҳсулот мавжуд бўлган.


**2.4-жадвал. “12-Трест” ОАЖининг 2008-2010 йиллардаги айланма
маблағлар ҳолати таҳлили.**

Кўрсаткичлар	Ўлч.б.	2008 йил	2009 йил	2010 йил	Фарқ (+,-)	Ўзгар суръ- ати
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>
Товар-моддий захиралари	м. с.	25048956	38404237	20540991	-17863246	53,49
Ишлаб чиқариш захиралари	м. с.	9352348	23248516	20540991	-2707525	88,35
Келгуси давр харажатлари	м. с.	1906094	5617596	589404	-5028192	10,49
Пул маблағлари	м. с.	558391	2640091	16402794	13762703	6,2 марта
Дебиторлар	м. с.	24540383	30811111	31717976	906865	102,94
Айланма маблағларнинг қиймати	м. с.	52053824	77473035	69251165	-8221870	89,39
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.с.	15367732	47540572	108937894	61397322	309
Соф фойда	м. с.	1395821	2607179	6336631	3729452	187
Айланиш коэффиценти	коэф.	1,6	2,0	5,3	3,3	259,4
Айланиш куни	кун	219,1	176,0	67,9	-108,2	38,6
Айланма маблағлар рентабеллиги	%	2,7	3,4	9,2	5,8	х

Пул маблағлари 2008 йилда 558391 минг сўмни, 2009 йилда 2640091 минг сўмни, 2010 йилда 16402794 минг сўмни ташкил этди. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 6,2 марта кўпайган. Бу албатта яхши молиявий ҳолатни, ҳамда айланма маблағлар таркибида пул маблағларининг кўпайганлигидан далолат беради. Жами айланма маблағлар эса 2008 йилда 52053824 минг сўмни, 2009 йилда 77473035 минг сўмни, 2010 йилда эса ўтган йилга нисбатан 8221870 минг сўмга камайиб, 69251165 минг сўмни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш учун бир қанча мутлоқ кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиз. Соф фойда миқдори 2008 йилда

319364 минг сўмни, 2007 йилда 4976 минг сўмни, 2006 йилда 911375 минг сўмни ташкил этган. Маҳсулот сотишдан тушган тушум, яъни қурилиш монтаж ишлари 2008 йилда 15367732 минг сўмни, 2009 йилда 47540572 минг сўмни, 2010 йилда эса 108937894 минг сўмни ташкил этиб, тугалланган йилда 2009 йилга нисбатан 61397322 минг сўм ортиқ қурилиш монтаж ишлари бажарилган, яъни 309 фоизга кўп.



2.5-расм. «12-Трест» ОАЖ нинг 2008-2010 йилларда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги диаграммаси

Айланма маблағлар айланиш коэффиценти 2008 йил 1,6 мартани, 2009 йил 2,0 мартани, 2010 йили 5,3 мартани ташкил этган. Демак айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти йилдан йилга ошиб бормоқда. Айланма маблағлар рентабеллиги 2008 йилда 2,7 фоизга, 2009 йилда 3,4 фоизга ва 2010 йилда 9,2 фоизга тўғри келган.


2.5- жадвалда, «12-Трест» ОАЖнинг 2008-2010 йиллардаги молиявий натижалари таҳлил қилинган. Ялпи фойда ёки маҳсулотни сотишдан молиявий натижа 2008 йилда 3660863 минг сўмни, 2009 йилда 8232979 минг сўмни, 2010 йилда 10803314 минг сўмга кўпайиб, 19036293 минг сўмни

ташкил қилган. Асосий фаолиятдан олинган фойда 2008 йилда 1876443 минг сўмни, 2009 йилда 3651161 минг сўмни, 2010 йилда 4508139 минг сўмга кўпайиб, 8159300 минг сўмни ташкил қилган. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда 2008 йилда 1834692 минг сўмни, 2009 йилда 3444071 минг сўмни, 2010 йилда 4633236 минг сўмга кўйиб, 8077307 минг сўмни ташкил қилган. Фойда солиғи тўлашдан олдинги фойда ҳам худди шу кўрсаткичларни ташкил этган. Соф фойда 2008 йилда 1395821 минг сўмни, 2009 йилда 2607179 минг сўмни, 2010 йилда 3729452 минг сўмга кўпайиб, 6336631 минг сўмни ташкил қилган.

2.5-Жадвал. «12-Трест» АЖ нинг 2008-2010 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	Ўзг. нис, %	Фарқ (+;-)
1	Ялпи фойда ёки маҳсулотни сотишдан молиявий натижа	3660863	8232979	19036293	10803314	231
2	Асосий фаолиятдан олинган фойда	1876443	3651161	8159300	4508139	223
3	Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда	1834692	3444071	8077307	4633236	235
4	Фойда солиғи тўлашдан олдинги фойда	1834692	3444071	8077307	4633236	235
5	Соф фойда	1395821	2607179	6336631	3729452	243



2.6-расм. «12-Трест» ОАЖнинг 2008-2010 йиллардаги молиявий натижалари диаграммаси

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси кўп жихатдан асосий фондлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади. Асосий фондлардан қанчалик яхши фойдаланилса, маҳсулот ишлаб чиқариш шунчалик кўп, меҳнат унумдорлиги шунчалик юқори, чиқарилаётган маҳсулот таннархи кам, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги фонд самарадорлиги, кўп фойда талаб қилиниши, рентабеллик, шунингдек, маҳсулот ҳажми ва асосий фондларни такрорий ишлаб чиқаришга ҳаражатларнинг камайиши, меҳнат воситалари хизмат муддатларининг узайиши билан тавсифланади.

Фонд самарадорлиги-шу даврдаги асосий фондлар ўртача қийматининг 1 сўмига сотилган маҳсулот ҳажмидир. Бу ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичидир. Фонд самарадорлигининг миқдори ва ўзгаришига корхонага боғлиқ бўлган ва бўлмаган кўпдан-кўп омиллар таъсир кўрсатади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишини яхшилашдан иборат.


Асосий воситалар рентабеллиги соф фойданинг шу даврдаги асосий воситалар ўртача қийматига нисбати сифатида белгиланади.

2.6 - Жадвал. «12-Трест» ОАЖ нинг 2008-2010 йилларда асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлили

(минг сўм)						
№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	Фарқ (+;-)	Ўзг. нис,%
	1	2	3	4	5	6
1	Асосий фондлар-нинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	7819395	14416846	22705700	8288854,5	157,5
2	Сотишдан тушган тушум, минг сўм	15367732	47540572	108937894	61397322	309
3	Соф фойда, минг сўм	1395821	2607179	6336631	3729452	243
4	Асосий воситалар самарадорлиги, минг сўм	1,965	3,298	4,798	1,500	145,5
5	Фонд сиғими, сўм	509	303	208	- 95	68,7
5	АВ рентабеллиги, %	17,85	18,08	27,91	9,823	х

2.6-жадвалда «12-Трест» ОАЖ нинг 2008-2010 йилларда асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлил қилинган. Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати 2008 йилда 7819395 минг сўмни, 2009 йилда 14416846 минг сўмни, 2010 йилда 22705700 минг сўмни ташкил қилган, яъни 8288854,5 минг сўмга ошган. Маҳсулот сотишдан тушган тушум, яъни қурилиш монтаж ишлари 2008 йилда 15367732 минг сўмни, 2009 йилда 47540572 минг сўмни, 2010 йилда эса 108937894 минг сўмни ташкил этиб, тугалланган йилда 2009 йилга нисбатан 61397322 минг сўм ортиқ қурилиш монтаж ишлари бажарилган, яъни 309 фоизга кўп. Соф фойда 2008 йилда 1395821 минг сўмни, 2009 йилда 2607179 минг сўмни, 2010 йилда

3729452 минг сўмга кўпайиб, 6336631 минг сўмни ташкил қилган. Асосий воситаларнинг фонд самарадорлиги 2008 йилда 1,965 минг сўмни, 2009 йилда 3,298 минг сўмни, 2010 йилда 4,798 минг сўмни ташкил қилган, яъни 1,5 минг сўмга ошган. Фонди сиғими ижобий кўрсаткичларга эга. Жумладан, 2008 йил 509 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 303 сўмни ташкил қилган. 2010 йилда ўтган йилга нисбатан 95 сўмга, яъни 31,3 фоизга тушиб, 208 сўмни ташкил қилган. Асосий воситалар рентабеллиги 2008 йилда 17,85 %ни, 2009 йилда 18,08%ни, 2010 йилда 27,91%ни ташкил қилган, яъни 9,8 %га кўпайган.



2.7-расм. «12-Трест» ОАЖ нинг 2008-2010 йилларда асосий фондларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш диаграммаси

“Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади” қоидаси иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунларда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Президент И.Каримов айтганидек: “Бугунги кунда биз олдимизга қандай вазифаларни қўймайлик, бизнинг олдимизда қандай муаммолар мавжуд бўлмасин, уларнинг барчаси пировардида кадрлар ва фақат кадрларга бориб тақалади.”

Замонавий корхоналар фаолиятида меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан ташқари кадрлар ҳам катта аҳамиятига эга. Айнан кадрлар ишлаб чиқаришни бошқариб, жорий ва истиқболдаги режалаштиришни амалга оширадилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланишга киритадилар. Кадрларнинг касбий малакаси канчалик юқори бўлса, корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади

Корхонанинг “меҳнат ресурслари”, “кадрлар”, “персонал” тушунчаларини, гарчи улар ўртасида маъжозий маънода айтганда “хитой девори” йўқ бўлса ва улар кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва улардан фойдаланишда бир хилда қўллансада, бир-биридан фарқлаш лозим.

Салоҳият (потенциал) тушунчасининг ўзи латин тилидан олинган бўлиб (*potentia*), имконият, куч-қувват, яшириш имконият маъносини англатади. Луғат ва қўлланмаларда у мавжуд ва ҳаракатга келтирилиши, маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган восита, захира, манба деб кўрсатилган.

Кадрлар салоҳияти - меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида қатнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди. Кадрлар салоҳияти жамият меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмидир.

Кадрлар корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий–малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг меҳнат ресурслари унинг ишчи кучини тавсифлайди. Корхона персонали доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изоҳлайди.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми (моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганларнинг тахминан 8-10 фоизи) бугунги кунда қурилиш соҳасида ишламоқда. Айнан улар қурилишнинг асосий фондларини ҳам,


айланма фондларини ҳам ҳаракатга келтирадилар, халқ хўжалиги ва аҳоли учун керакли объектларни вужудга келтирадилар.

**2.7-жадвал. «12-Трест» ОАЖда 2008-2010 йилларда меҳнат
ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	Ўзгариши	
					сумма	фоизда
1	2	3	4	5	6	7
1	Маҳсулотни сотишдан тушум, минг сўм	15367732	47540572	108937894	61397322	309
2	Соф фойда	1395821	2607179	6336631	3729452	187
3	Иш ҳақи фонди, миинг сўм	6434161	8970781	13357236	4386455	140
4	Ишловчилар сони, киши	1549	1295	1998	703	84
5	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	9921	36710,8	54523	17812,2	370
6	Бир ишчига тўғри келадиган соф фойда, минг сўм	901,1	2013,3	3171,5	1158,2	157,5
7	Бир ишчига тўғри келадиган ўртача иш ҳақи, минг сўм	4153,75	6927,24	6685,30	-241,9	96,5

Ишловчилар сони 2008 йилда 1549 кишини 2009 йилда 1295 кишини 2010 йилда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ошганлиги сабабли ишловчилар сони ҳам 703 кишига кўпайиб, тугалланган йилди 1998 киши фаолият юритган. Бир ишловчига тўғри келадиган қурилиш монтаж ишлари 2008 йил 9921 минг сўмни, 2009 йил 36710,8 минг сўмни, 2010 йил 54523 минг сўмни ташкил қилган. Лекин иш ҳақи фонди 2008 йилда 6434161 минг сўмни ташкил қилган, 2009 йилда эса ишловчилар сони камайган бўлсада, иш ҳақи фонди ошиб, 8970781 минг сўмни ташкил қилган. 2010 йилда қурилиш

монтаж ишлари ҳамда ишловичлар сонига мос равишда ошиб 13357236 минг сўмни ташкил қилган.



2.9-расм. «12-Трест» ОАЖда 2008-2010 йилларда меҳнат ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичлари диаграммаси

Яна бир ҳолат, бир ишчига тўғри келадиган иш ҳақи фонди ҳам ишчилар сонига мутоносиб равишда ошиб борган. 2008 йилда бир ишчига ўртача иш ҳақи 4153,75 минг сўм, 2009 йилда 6927 минг сўм, 2010 йилда 6685 минг сўм тўғри келган. Демак трестда меҳнат ресурсларижан фойдаланши самарадорлиги йилдан йилга ошганлигини кўриш мумкин. Жумладан, меҳнат унумдорлиги кескин ошан бўлса, бир ишчига тўғри келадиган иш ҳақи барқарор дейиш мумкин.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Акциядорлик жамиятларини бошқаришни такомиллаштириш асосий йўналишлари

Муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизни 2006 йилда иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва мақсадларимиз, бошлаган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган устувор вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишда, биринчидан, бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш мўлжалланиши керак.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда давлат мулкларидан фойдаланиш ва бошқаришга салбий таъсир кўрсатадиган қатор омиллар мавжуд.

Масалан, устав жамғармасида асосий акциялар (улушлар) пакети мавжуд бўлмаган корхоналар сони жуда кўп. Жумладан, устав жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган 932 та хўжалик жамиятларидан 451 (48,3%)та корхоналарда давлат улушлари 51%дан камни ташкил этади. Мазкур хўжалик жамиятларида давлат ишончли вакиллари томонидан жамият акциядорлари Умумий йиғилиш ёки кузатув кенгашига киритилган кўплаб таклифлар бошқа акциядорлар томонидан тўсиб қўйилади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг устав фондидаги давлат активларини бошқариш танлов асосида махсус бошқарувчиларга берилган. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЙИМ) таркибида давлат акциялар улушига эга бўлган акциядорлик жамиятларининг салмоғи юқори эканлигини, шунингдек, уларда банд бўлган кўп сонли ходимларни ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда давлат акциялар пакетларини бошқариш

жараёнида бошқарувнинг турли йўллари, моделлари ва воситалари қўлланилмоқда. Масалан, баъзи тармоқ (энергетика, нефть ва газ саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, енгил саноат ва бошқалар) корхоналарининг катта-кичиклигига қарамай, давлат акциялари пакети миллий холдинг компаниялари ва давлат акциядорлик компанияларининг устав фондларига ўтказилган. Давлатга тегишли акциялар пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган компанияларда бошқарув бевосита давлатнинг ишончли вакиллари томонидан олиб борилади, 25 фоиздан ортиқларида давлатнинг ишончли бошқарувчилари билан таъминланган, 25 фоизгача бўлганларида эса бошқарувчи компаниялар ёлланган (3.1- жадвал).

**3.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида давлат улушини
ишончли бошқарувга берилган акциядорлик жамиятлари сонининг
ўзгариш динамикаси⁵**

Йиллар	Устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлар сони	Шу жумладан, ишончли бошқарувга берилган акциядорлик жамиятлар сони		
		Давлат ишончли вакиллари	Ишончли бошқарувчиларига	Компаниялар бошқарувчиларига
2001	2948	426	2522	-
2002	2857	162	2695	-
2003	2742	172	2570	-
2004	2190	132	2045	13
2005	1536	189	1234	113
2006	958	60	827	71
2007	697	57	584	56
2008	389	54	283	52
2009	323	51	235	47
2010	319	49	232	46

Шуни таъкидлаш ўринлики, ташқи акциядорлар мулкнинг компания фаолиятига ва унинг қийматига бўлган таъсири бевосита бўлиб, ташқи инвесторлар қўлида акциядор капиталининг концентрацияланиши

⁵ Каримов Ж. Ф. Компаниялар ва уларнинг акциялари бозор қийматини бошқариш масалалари 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. Тошкент – 2011. 11 бет.

менеджерлар ҳаракати устидан назоратнинг кучайишига олиб келади. Бирок бу боғлиқлик бевосита узлуксиз функция билан доимо таърифланмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида компанияларнинг фаолияти самарадорлиги ва акцияларнинг даромадлилиги унинг ҳуқуқий мақомига боғлиқ эмас. Акцияларнинг даромадлилиги кўрсаткичларини оширишга унинг мулкӣ тузилмасини оптимал нуқтасини топиш орқали эришиш мумкин. Ушбу жараёнда нафақат компаниянинг молиявий кўрсаткичлари, у томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатигина эмас, балки унинг натижалари менежмент тизими ва акциядорлар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли Қарори талаблари бўйича ҳукумат қарори асосида хўжалик жамиятлари давлат улушларини бошқариш ҳуқуқи уларнинг юқори хўжалик бирлашмаларига, вазирлик ва тармоқларга берилмоқца. Жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги таркибидаги 9 та, "Ўзавтойўл» АКга қарашли 5 та, "Ўзкимёсаноат" ДАКга қарашли 7 та, "Ўзстандарт" агентлигига қарашли 6 та корхона ва бошқалар давлат улушларини бошқариш ҳуқуқи берилиши амалиётда давом эттирилмоқца. Бу чоралар ушбу корхоналар кундалик фаолиятини юритишда юқори ташкилотлар томонидан ва корпоратив бошқариш меъёрлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

3.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида корпоратив қимматли қоғозларнинг даромадлилиги динамикаси

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
Ҳисобланган дивидентлар, млрд.сўм	56,8	191,7	198	199,5	204,1
Акцияга тўланган дивидентнинг ўртача қиймати, сўм	0,02	0,06	0,06	0,05	0,005
Корпаратив облигациялар бўйича купоннинг ўртача ставкаси, фоизда	24	21	22	22,3	22,3

"Давлат мулкларининг сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш ва бошқаришни таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси томонидан қуйидагилар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

Стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналардаги давлат улушларининг назорат пакети даражасига кўтариш; хўжалик бирлашмалари, яъни холдинг компаниялари, давлат Акциядорлик компаниялари ва акциядорлик компаниялари ташкилий тизимини ўрганиш ва белгиланган тартибда олдин устав жамғармасига берилган давлат активларини сотишни қўллаб-қувватлаш. Негаки, хўжалик бирлашмаси таркибидаги корхоналар тизимида уларнинг асосий фаолияти тури билан боғлиқ бўлмаган фаолиятлар ёки зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг мавжудлиги бевосита холдинглар ва акциядорлик компаниялари акциялар пакетининг харидоргирлигига салбий таъсир кўрсатади;

- Ҳукумат қарорларига мувофиқ сотиладиган давлат активларининг сотилиши тезлаштирилиши, давлат мулки сифатида сақланиши назарда тутилган стратегик аҳамият эга бўлган корхоналар давлат улушларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳукумат қарорига асосан хўжалик жамиятларининг давлат улушларини уларнинг юқори хўжалик жамиятлари, вазирлик ва идораларга ишончли ҳуқуқи берилишини амалиётда бекор қилиш;

Маълумки хиссадорлик жамияти бўлмиш корхонанинг молиявий ҳолати ва фаолият самарадорлиги унинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича аҳволининг қандай ўзгаришига ҳам боғлиқ акциядорлик жамиятларида давлат ишончли вақллари тайинланиши ҳамда давлат улуши профессионал ишончли бошқарувга берилиши ҳоллари бу жараёнга таъсирини жойлардаги ҳолати қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам билса бўлади.

Хиссадорлик жамиятлари дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг қисқариши нисбатан аҳоли ва корхоналар зич жойлашган Тошкент шаҳри (25 та), Тошкент вилояти (11та), Фарғона, Самарқанд, Наманган, Бухоро,

Андижон вилоятлари (ҳар бирида 4 тадан) га тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикасига 4та, Жиззах вилоятига 1та бундай корхона тўғри келишини ачинарли ҳол деб ҳисоблаб, аҳволни яхшилаш ва мавжуд фойдаланилмаётган имкониятларини ишга солиш чораларини кўриш керак.⁶

Юқоридаги таъсирнинг мамлакат ҳаётида муҳим рол ўйновчи корхоналар бўйича ҳолатини эса иловадаги жадвал ёрқин ифода этади.

Жадвални қисқача таҳлил қиладиган бўлсак ижобий ҳолат бўлми дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қисқариши "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси (10 та), "Ўзбек ипаги " ва "Ўзпахтасаноат" уюшмаларида (6 тадан)ги миқдордан кўпгина ҳиссадорлик жамиятлариники паст. Лекин, масалан, "Ўзавтойўл" ДАК; бу миқдор 3 та (шу жумладан, давлат ишончли вакиллари тайинланган корхоналардан бунинг ичида мавжуд эмас, давлат улуши профессионал ишонч; бошқарувчиларга ишончли бошқарувга берилган корхоналардан 3 та) эканлигини ижобий баҳолаш мумкин. Салбий ҳолат бўлмиш дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиши эса "Ўзбексавдо" АК (5 та, шу жумладан, давлат ишончли вакиллари тайинланган корхоналардан 1та, давлат улуши профессионал ишончли бошқарувчиларга ишончли бошқарувга берилган корхоналардан 4 та) каби корхоналарда кузатилиб, тезда ислоҳ қилувчи чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқаришнинг ҳолати, ижро органи (директорлар корпуси)нинг акциядорлик жамиятларининг олий органлари (Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши)га ҳисоботдорлиги корхоналарни бошқаришда қанчалик таъсирига ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 апрелдаги 189- сонли қарори талаблари асосида корпоратив бошқариш

⁶ Ўзбекистон иқтисодиёти» статистик маълумотлар тўплами. Т., 2005 йил, 56 бет

тизими самарадорлигини ошириш ва замонавий тамойилларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Акциядорлик жамиятларида (умуман корхоналарда) корпоратив бошқариш тизими жорий этилишини таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий база ишлаб чиқилган. Меъёрий хужжатлар, хўжалик жамиятларида келгусида корпоратив бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари тасдиқланган. Давлат мулки қўмитаси томонидан хўжалик бирлашмалари ва хусусийлаштирилган корхоналарга корпоратив бошқариш тамойилларини жорий этишнинг асосий масалалари бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқишни ва тарқатишни кенгайтириш керак

Корпоратив бошқариш масалалари бўйича жойларда ҳукуматнинг жойлардаги органлари вакиллари иштирокида, хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий тадбиркорлик бўйича 72 маротаба семинар ва йиғилишлар ўтказилиши, оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан маҳаллий телевидения ва радиода чиқишлар ташкил этилишига ҳам кенгрок эътибор берилиши керак.

Хўжалик субъектлари (шу жумладан акциядорлик жамиятлари) томонидан корпоратив бошқариш конунчилигига амал қилиш мониторингининг икки босқичли тизими жорий этилган. Давлат мулки қўмитаси томонидан корпоратив бошқариш конунчилиги талабларининг ижро этилиши бўйича мониторинг юритилмоқда. Бунда асосий эътибор устав жамғармасида давлат улуши бўлган хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш ҳаракатларининг туғрилигига қаратилади. Шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар бозорини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш маркази томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқариш бўйича қонунчилик талаблари ижро этилиши бўйича назорат амалга оширилиши мавжуд вазиятни янада яхшилашга ёрдам беради.

Аксарият хусусийлаштирилган корхоналарда бошқариш органларини сайлаш сайловларида акциядорлар (таъсисчилар)нинг фаоллиги

кузатилмоқда. Корхоналарни бошқариш йўналишлари ўзгарди, акциядорларда бизнес-режа бажарилиши масалалари бўйича, акциядорлик жамиятлари ижро органи раҳбарлари фаолиятини баҳолашда принципиаллик ошди. Масалан, 1563та акциядорлик жамиятлари 2004 йил якунлари бўйича ўтказилган умумий йиғилишларда корхоналарнинг молиявий-хўжалик ҳолати ёмонлашганлиги, бизнес-режа параметрлари бажарилмаганлиги сабабли 713 тасида 2052 нафар кузатув кенгашлари аъзолари, 606 та акциядорлик жамиятларида 1283 нафар тафтиш комиссияси аъзолари, 158 та акциядорлик жамиятларида ижро органи раҳбари билан меҳнат шартномалари бекор қилинган. Ушбу жараёнларга янада туртки бериш фойдадан ҳоли бўлмайди

2006 йилда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари сифатида нефть-газ мажмуида, электр энергетикаси ва рангли металлургия соҳасида ишлаб чиқаришнинг барқарор ҳажмларини таъминлаш белгиланган. Машинасозлик, енгил саноат, биринчи галда, ип-газлама ва тикувчилик саноатини янада юқори суръатлар билан ривожлантириш зарурлиги кўрсатилган.

Бу устувор вазифани амалга ошириш натижасида иқтисодиёт таркибида сифат ўзгаришларини таъминлаш, яъни 2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан, қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма- босқич 24-26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш кўзда тутилиши мақсадга мувофиқ .

Углеводород хомашё захираларининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, энергетика мажмуасига қарашли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган геологик қидирув ишларини жадал ва кенг кўламда олиб бориш учун хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.⁷

⁷ И.А.Каримов "Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим". "Халқ сўзи", 2006 йил, 11 февраль, № 29 (3828)

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий жойлашуви ва таркибини такомиллаштириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бу борада маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ва рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этишга устувор аҳамият берилиши лозим бўлади.

Бугун ҳам, худди 15 йил илгари бўлганидек, республика саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятларида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 2-2,5 марта ортиқ эканлиги маълум.

Авваламбор, энергия сарфи энг кўп бўлган акциядорлик жамиятларида ва энергетика комплексининг узида бу масала бўйича кенг чора-тадбирлар I мажмуининг амалга оширилиши яқин истиқболдаги жуда муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда 2006-2010 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилди.

Бу дастурда қуйидагиларни кўзда тутиш зарур бўлади:

- нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, уларни ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишлар ва ўз технологик эҳтиёжлари учун фойдаланиш хажмларини кескин камайтиришни, бу ресурсларни чуқур ва сифатли қайта ишлаш даражасининг оширилишини таъминлайдиган янги илғор технологияларни жорий этиш;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб ускуналарни кенг миқёсда қўллаш, энергияни тежаш бўйича ҳар қайси тармоқда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан қатъий мониторинг олиб бориш;

энергиядан фойдаланишни ҳисоб-китоб ва назорат қилиш қоидаларини такомиллаштириш, ҳамма жойда ўлчов асбоблари ўрнатилишини қаттиқ назоратга олиш, энергия сарфлайдиган асбобларнинг жаҳон стандартлари бўйича энергия сарфи меъёрларига мос келишини мажбурий сертификация қилиш;

энергияни тежаш бўйича иқтисодий рағбатлантириш чораларини янада такомиллаштириш, бунда молиявий-иқтисодий, солиқ воситалари ва механизмлари тизимидан кенг фойдаланиш;

анъанавий бўлмаган, муқобил энергия манбаларини кенг қўллаш.

Шу борада ҳокимликлар ҳузуридаги аҳоли ва корхоналарга газ ва электр энергияси етказиб бериш билан шуғулланадиган идора ва хизматларнинг ўзини ҳам ислох қилиш ва уларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлига айтилди.

3.2. Қурилиш соҳасида корпоратив бошқаришни ташкил этишнинг хорижий тажрибалари

Қурилиш соҳасида корпоратив бошқарув бозор иқтисодиёти қонунлари, талаб ва таклифлари асосида ташкил этиладиган замонавий бошқарув усулларида бири ҳисобланади. Қурилишда ишлаб чиқаришни корпоратив бошқарув асосида ривожлантиришнинг назарий-илмий асосларини чуқур ўрганиш ва амалиётга уларни кенгроқ жорий этиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада хорижий давлатларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш механизмларини, корпорацияларнинг ташкилий-таркибий тузилишларини, стратегик йўналишда истиқболлаштириш ва корпоратив-акциядорлар маблағларини самарали бошқариш борасидаги тўпланган бой тажрибаларни синчиклаб ўрганган ҳолда улардан маҳаллий қурилиш ташкилотларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Олим ва мутахассислар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корпоратив бошқарувнинг учта асосий моделини ажратишади: инглиз - америка, немис ва япон моделлари.

Ҳар бир модель қуйидаги асосий элементлар билан тавсифланади: асосий иштирокчилари, акцияларга эгалик қилиш таркиби, директорлар кенгашининг таркиби, (кузатув кенгаши), ҳуқуқий база.

АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, ЖАР, Янги Зеландия давлатларида қўлланиладиган инглиз - америка моделининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда акциядорларга катта эътибор қаратилади, корпорация акциядорлари эса фақат стратегик қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Европада корпоратив бошқарувнинг немисча модели устунлик қилиб, мазкур моделда банк тизими йирик ва ўрта корпорацияларнинг молиявий пойдевори ҳисобланиб, бунда якка акциядорларнинг роли эса унчалик катта эмас. Банклар бу ерда кредиторлар, акциядорлар, инвестиция банклари ва назорат - тафтиш функциясини бажарувчи директорлар кенгашининг аъзоси ролини бажаради.

Япон модели ишлаб чиқаришга узоқ муддатли инвестициялар киритишга йўналтирилганлиги ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий секторлар ўртасидаги узвий алоқалар билан тавсифланади. Бу жиҳатдан у қайсидир маънода немис моделига ўхшаб кетади.

Гуруҳлашга бўлган интилиш япон моделининг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Ҳўжалик бирликлари корпоратив гуруҳлари ("кэйрэцу") ни ташкил этган ҳолда акцияларга ҳар томонлама эгалик қилиш орқали бир - бири билан узвий боғланган ҳамда гуруҳга кирувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар нафақат ташқи сармоядорларга, балки гуруҳларга кирмайдиган банкларга ҳам тобеъ бўлишмайди. Ҳар бир гуруҳда сармояни сафарбар қилиш механизми гуруҳ банки орқали жамоавий асосда амалга оширилади.

Бошқарув органларининг икки поғонали тузилмаси немис моделига хос бўлиб, у назорат функциясини бажарувчи кузатув кенгашини ва ижроия функциясини бажарувчи бошқарувни ўз ичига олган тарзда немис моделида ижроия ва кузатув функциялари аниқ белгиланади.

Инглиз - саксония модели унитар кенгашининг шунчаки икки поғонали варианты бўлмасдан, ушбу бошқарув тизими кузатув ва ижроия функцияларининг қатъий равишда бўлинишига асосланади, иккита кенгаш ўз навбатида аниқ ажратиб берилган юридик жавобгарликка ва ваколатларга эга

бўлади. Икки поғонали тизим доирасида кузатув ва назорат функциялари бошқарув функциясидан катъий назар амалга оширилади. Бунда кузатув кенгашининг асосий вазифаси компанияни бошқаришнинг малакали менежерларга ишониб топширилишини таъминлашдан иборат бўлади. Кузатув кенгашига ўз навбатида ижроия кенгаши аъзоларини танлаш, зарур ҳолларда - уларни бўшатиш мажбуриятлари юклатилади.

Немис қонунларида бевосита бошқарув ва назорат ўртасидаги чегара аниқ кўрсатилган. Бошқарув функциялари фақат корпорациянинг ижроия хизматчилари зиммасига ва уларнинг бажарилиши учун жавобгарлик эса фақат маъмурий кенгаш зиммасига юклатилади.

Фақат унитар ва икки поғонали модел мавжудлигига қарамай, инглиз-америка ва немис тизимлари директорлар кенгашини ташкил қилишнинг барча мумкин бўлган турларини ўзида намоён этмайди. Улар корпоратив бошқарувни ташкил қилишнинг кўп сонли ва турли хил шакллари доирасининг қарама-қарши нуқталарини ифодалайди.

Японияда амал қиладиган директорлар кенгашининг таркиби америка моделининг кўпгина қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Амалда Япон очик турдаги акциядорлик жамиятларининг қарийиб 80 фоизи ўз кенгашлари таркибида мустақил директорларга эга эмас, кенгашларнинг ўзлари эса, худди Германиядаги каби, компания ва уларнинг асосий иштирокчилари манфаатларининг намоёнчилари ҳисобланади. Бунда фақат немис моделининг иккита ўзига хос белгиси ҳисобланган хизматчилар вакиллиги ва банклар вакилларининг иштироки мавжуд эмас.

Швецияда эса унитар кенгашлар тизими фаолият кўрсатади (яъни кузатув кенгаши алоҳида тузилма сифатида ажратилмайди), лекин унинг америкача вариантыдан фарқли ўлароқ, бу ерда директорлар кенгашида компания хизматчилари "қуйи" даражаси вакилларининг иштирок этиши қонун билан белгилаб қўйилган.

Бир қатор постсоциалистик ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда шаклланаётган корпоратив бошқарув моделининг ўзига хос хусусиятлари

шундан иборатки, уларда ташқи назорат механизми мавжуд эмас, яъни фонд ва товар бозорлари яхши ривожланмаган. Бундан ташқари, ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида банк тизими Европадаги каби тижорат банкларига хос бўлган корпоратив назорат (акцияларга стратегик эгалик қилиш) функциясини самарали тарзда бажаришга қодир эмас.

Ўзбекистондаги корпоратив бошқарув тизими қонуний жиҳатдан кўплаб ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда қабул қилинган икки поғонали (инсайдер) моделига асосланган (кузатув кенгаши ва бошқарув). Бироқ мамлакатда корпоратив бошқарувнинг ҳозирги ҳолати сармоядорлар (акциядорлар) нинг компанияни (айниқса хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини) бошқаришдаги пассив роли билан тавсифланади.

Жаҳон амалиётидаги тажрибаларнинг кўрсатишича корпоратив бошқариш механизмлари давлатнинг тартибга солувчи органлари, суд органлари ҳамда ишбилармон доираларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилган маълум бир қоидалар асосида ва меъёрий андозалар доирасида фаолият кўрсатади. Ушбу қоидалар, меъёрий андозалар йиғиндиси корпоратив бошқарувнинг институционал асосини ташкил қилади. Корпоратив бошқарувнинг институционал асосини қуйидаги асосий элементлар ташкил этади:

- қонун ҳужжатларида қайд этилган ҳуқуқлар, меъёрий-ҳужжатлар;
- ихтиёрий равишда қабул қилинган корпоратив бошқариш андозалари ҳақидаги келишувлар ва унинг компаниялар даражасида амалга оширилишини тартибга солувчи ички меъёрлар (корпоратив қимматли қоғозлар листингига қўйиладиган талаблар, корпоратив бошқариш бўйича кодекслар ва тавсиялар);
- бизнесни юритишнинг умумий қабул қилинган амалиёти ва маданияти ва бошқалар.

Иқтисодий соҳада алоҳида компанияни бошқариш масъулияти сиёсий жиҳатдан бутун бир давлатни бошқариш масъулиятидан кам эмас. Шундай

экан, корпоратив бошқарувнинг самараси ҳам локал, ҳам глобал миқёсларда ўз таъсирини кўрсатади. Яъни:

- алоҳида компания миқёсида олиб қаралса, корпоратив бошқарув самараси максимал даражада фойда олишда кўзга ташланади;

- давлат миқёсида олиб қаралса, корпоратив бошқарув самараси иқтисодий инфратузилмада хусусий сектор салмоғининг ошишида, фонд бозори ва иқтисодиётнинг юксалишида намайён бўлади;

- бутун жаҳон миқёсида қаралганда эса, корпоратив бошқарув самараси молиявий инқирознинг олдини олиш имкониятларининг пайдо бўлишида, умумжаҳон молиявий бозори ташкилий тузилмасининг шакллантиришда ўз аксини топади.

Эътироф этиш мумкинки, компаниянинг раванқ топиши баробарида акционерларнинг моддий фаровонлиги ҳам ошиб боради. Бироқ корпоратив бошқарувнинг замонавий концепциясига кўра, акционерлар билан компаниянинг манфаатлари ўртасида бирмунча фарқ мавжуд (айрим вақтларда компания ва унинг акционерлари турлича мақсадларни кўзлаши мумкин). Шундай экан, самарали корпоратив бошқарувнинг асосий мақсади умумий фаолият қатнашчиларининг турли хил манфаатлари ўртасидаги тафовутни бартараф этишга ёрдам беришдан иборат.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан шу нарса келиб чиқадики, бугунги кунда корпоратив бошқарувнинг барча мамлакатлар ва компаниялар учун қўлланилиши мумкин бўлган ягона модели мавжуд эмас. Демак, шундай экан ушбу моделни шакллантириш зарурияти ҳамиша долзарб масалалардан бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда корпоратив бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бири – бу фаолият йўналишларини дастурлаш ва режалаштиришни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳамда бу борада хориж тажрибаларидан кенг қамровли фойдаланиш асосида миллий иқтисодиёт тармоқларида, хусусан қурилиш соҳасида корпоратив ишлаб

чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига тармоқ корхоналарида бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этиш ҳисобланади.

Хулоса

Қурилиш корхоналарида хўжалик юритишнинг марказий муаммоларидан бири - бу бозор шартларига тўлиқ мос келадиган хўжалик юритиш механизмини яратиш ҳисобланади. Қурилиш корхоналарида хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш айнан шу нуқтаи-назардан кўриб чиқилмоғи зарур. Қурилиш корхонаси хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар якка ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда қаралиши керак.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан, қурилиш соҳаси ўзининг хусусиятига кўра тадбиркорликка кам мослашган. Лекин, Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар қурилишида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришда асосий омил ҳисобланади. Қурилишида хусусий фирмаларнинг ташкил этилишини ривожлантириш, уларда корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш, кичик ва хусусий қурилиш корхоналарини ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантириш зарур.

Акциядорлик жамиятларининг хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ресурслар самарадорлигининг таъминотини яхшилаш ҳисобига ошириш мумкин. Қурилишида ишлаб чиқариш самарадорлиги бевосита хўжалик юритиш жараёни фаолияти натижавийлигига боғлиқ. Бу хўжалик юритиш тизимининг такомиллашувига ва ишлаб чиқариш тежамкорлигини таъминлашни асослади.

Хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳатлар натижаси бўлмай, унинг йўналишларидан бири, уни амалга оширишнинг энг муҳим йўлларидадир. Иқтисодиёт тармоқларини эркинлаштириш ва диверсификация қилиш шароитида қурилиш тармоғида ҳам хусусийлаштириш натижасида камида иккита асосий вазифа ҳал қилиниши лозим.

Биринчидан, мулк ўзининг ҳақиқий хўжайинига эга бўлиши керак. Хусусийлаштириш давомида ҳал қилинадиган иккинчи муҳим вазифа – кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга

келтиришдан иборат. Иқтисодий самарадорликнинг янги методологик ва услубий асосларини яратиш ҳозирги ҳўжалик юритишнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқот ишларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса ва таклифлар қилиш мумкин:

1. Устав фонди жамиятнинг ҳиссадорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган ҳўжалик юритувчи субъект - акциядорлик жамияти ҳўжалик фаолиятининг назарий асосларини ўрганиш ва улардан қурилиш-монтаж фаолиятини ташкил этишда фойдаланиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

2. Фойда ва рентабеллик акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, қурилиш ташкилотида энг кўп миқдорда соф маҳсулот ва фойда олиш, қурилиш муддатларини қисқартириш ва чегараланган ёки энг кам меҳнат харажатлари билан ишлаш, айланма маблағлар, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий ресурслар сифатини оширишдан иборат.

4. Ҳозирги вақтда корпоратив бошқарувнинг энг муҳим вазифаларидан бири – бу фаолият йўналишларини дастурлаш ва режалаштиришни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳамда бу борада хориж тажрибаларидан кенг қамровли фойдаланиш асосида миллий иқтисодиёт тармоқларида, хусусан қурилиш соҳасида корпоратив ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига тармоқ корхоналарида бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳисобланади.

5. Қурилиш соҳасида корпоратив бошқарув бозор иқтисодиёти қонунлари, талаб ва таклифлари асосида ташкил этиладиган замонавий бошқарув усулларидан бири ҳисобланади. Қурилишда ишлаб чиқаришни корпоратив бошқарув асосида ривожлантиришнинг назарий-илмий асосларини чуқур ўрганиш ва амалиётга уларни кенгроқ жорий этиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш мумкинки, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда икки масалага: биринчидан, ички корпоратив бошқарувни секин-аста такомиллаштириб боришга, иккинчидан, бозор талабларидан, яъни буюртмачилар талабларидан келиб чиққан ҳолда, корпорацияларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланишини стратегик режаларини ишлаб чиқиш зарур.

- акциядорлик жамияти бошқаруви самарадорлигини ошириш учун компаниянинг ички ва ташқи инвесторлар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш, унинг бошқарув органларининг ролини ошириш, акциядорлик капиталида корпорация ходимлари капиталлари ҳиссасини ошириш зарур;

бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш унинг ишлаб чиқариш фаолиятини бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш билан бирга корпорация қурилиш жараёнига илғор технологияларини қўллашга катта эътибор бериш зарур.

Режалаштириш асосида бошқарув самарадорлигини оширишда қурилиш монтаж ишлари харажатларини таҳлил қилиш, ҳар бир маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини сарф қилиш даражасини аниқлаш, унинг корхоналари томонидан бажарилган қурилиш монтаж ишлари самарадорлигини белгилашни таъминлайди;

- акциядорлик жамияти бошқарув самарадорлиги ички самарадорлик билан узвий боғлиқ бўлиб, у корпоратив лойиҳаларини бажариш билан қабул қилинган қарорларга, белгиланган вазифаларнинг аниқ жавобгар шахслар томонидан бажарилишига, режалар узлуксизлигининг таъминлашига ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилишини инвестициялаштириш даражасига ҳам боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ3240 сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Фармони
2. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.:Ўзбекистон 2009й
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 12 ноябрь.
4. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
5. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь. 16 сон.
6. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007й.
7. Каримов И.А. "Янгиланиш ва тараққиёт йўлида янада изчил ҳаракатланиш халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир" Халқ сўзи газетаси 2007 й 13 феврал

8. Крук М.Д. Современные формы и механизм корпоративного управления: методология и практика. - М.: 2000. - с. 357.
9. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры: основы создания и управления «Издательство национальной библиотеки им. Алишера Навои». - Т.: 2005. - с. 147
10. Хошимов А.А. Корпорация шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истикболлари. – Т.: Молия, 2003. – 111 б.
11. Гулямов С.С., Рахмонкулов Х. Корпоративное право – Т: ТГЮИ, 2004.
12. Хамидулин М.Б. Финансовый механизм корпоративного управления. Монография – Т.: Молия, 2008. - с.204.
13. Зайнуддинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари – Т.: «Академия нашриёти», 2006. - с.96.
14. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.
15. Степанов П. С. “Менежмент в строительстве” М., Экономика, 2002.
16. Мансуров О. Б. Бозор муносабатлари шароитида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари. 08.00.13 – Менежмент ва маркетинг. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2010.
17. П. А. Стоун “Экономика и организация строительства”. М., Экономика, 1999.
18. Гулямов С.С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Автореферат диссертация доктора юридических наук – Т.: 2005. – 43 с.
19. Хамраев Б. Ш. Формирование рыночных отношений в строительном комплексе Узбекистана. Дис. канд. экон. наук. –Ташкент: 1996. 173 с.

20. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил Т.: Мехнат, 2004
21. Маҳмудов Э.Х. Исоқов М.Ю. “Капитал қурилиш иқтисодиёти” маърузалар матни. Т. “Иқтисодиёт” 2008й.
22. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)
23. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Қўмитаси сайти)
24. [www. ser. uz](http://www.ser.uz) (Экономическое обозрение журналы сайти)
25. [www. yahoo.com](http://www.yahoo.com) (Yahoo қидирув портали)